

O'zbekiston Respublikasi Oliy va o'rta
maxsus ta'lim vazirligi

**M.Ulug'bek nomidagi Samarqand Davlat
Arxitektura qurilish instituti**

«Arxitektura» fakulteti

«Landshaft dizayni va interyer» kafedrasi

Bitiruv malakaviy ishining
TUSHUNTIRISH XATI

***Mavzu: Jomboy shahridagi 10-son musiqa va
san'at maktabining dizayn yechimi***

Diplomant: Norqulova D
Rahbar: Axmedov F.R
Maslahatchi: Adjitarova G
«Landshaft dizayni va interyer»
kafedrasi mudiri: Tugizov.Sh.X

Samarqand-2015

Mundarija

1. Kirish
2. Arxitekturaviy rejalashtirish qismi.....
3. Badiiy qism
4. Hayotiy faoliyat xavfsizligi qismi
5. Ekologiya qismi.....
6. Xulosa
7. Adabiyotlar ro'yxati

KIRISH

Барчамизга аёнки, куй-қўшиққа, санъатга муҳаббат, муסיқа маданияти халқимизда болаликдан бошлаб, оила шароитида шаклланади. Уйида дутор, доира ёки бошқа чолғу асбоби бўлмаган, мусиқанинг ҳаётбахш таъсирини ўз ҳаётида сезмасдан яшайдиган одамни бизнинг юртимизда топиш қийин, десак, муболаға бўлмайди. Энг муҳими, бугунги кунда муסיқа санъати навқирон авлодимизнинг юксак маънавият руҳида камол топишида бошқа санъат турларига қараганда кўпроқ ва кучлироқ таъсир кўрсатмоқда.

Ислом КАРИМОВ

Ўтган давр мобайнида босиб ўтган мураккаб, айна пайтда шарафли йўлимизга назар ташлар эканмиз, Ватанимиз озодлиги нақадар машаққатли ва тинимсиз курашлар, халқимизнинг қандай оғир ва фидокорона меҳнати эвазига қўлга киритилгани, мустақил тараққиётимиз давомида амалга оширган ишларимиз, эришган натижаларимиз беихтиёр кўз ўнгимиздан ўтади.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов томонидан ишлаб чиқилган, дунёда ўзбек модели сифатида тан олинган Ўзбекистоннинг ўзига хос тараққиёт йўли, унинг афзалликлари ҳақида жаҳондаги нуфузли сиёсатчи ва иқтисодчилар, эксперт ва таҳлилчилар томонидан кўплаб ҳаққоний фикрлар, юксак баҳолар билдирилган.

Мустақиллик йилларида мамлакатимизда архитектура ва қурилиш соҳасида жуда катта ўзгаришлар рўй берди. Шаҳарсозлик фаолияти янада такомиллаштириш йўлида Шаҳарсозлик кодекси асосида бир қатор ҳуқуқий- меъёрий ҳужжатлар қабул қилиниб Давлат ҳокимияти органлари ва Давлат архитектура ва қурилиш қўмитаси олдига бир қанча вазифалар қўйилди.

Булар шаҳарсозлик ва шаҳарсозлик фаолияти соҳасида давлат сиёсатини ўтказиш, лойиҳалаштириш ва қурилиш-монтаж ишлари сифатида, шаҳар ва қишлоқ аҳоли яшаш пунктларини режалаштириш ва қуришда шаҳарсозликка оид қонун ҳужжатлари, шаҳарсозлик нормалари,

қоидалари ва стандартларига риоя этилиши устидан назоратни амалга ошириш. Мамлакатимизни 2012 йилда ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш якунлари ва 2013 йилда иқтисодиётни барқарор ривожлантиришнинг энг муҳим устивор вазифалари тўғрисида 19 январда Вазирлар Маҳкамасида бўлиб ўтган йиғилишда Президентимиз И.А. Каримов таъкидлаганидек: Жаҳон иқтисодиётида вужудга келаётган тенденциялардан, шунингдек мамлакатни истикболли иқтисодий ва ижтимоий ривожлантириш стратегиясидан келиб чиққан ҳолда:

-иқтисодиётни ўстиришнинг юқори ва барқарор суръатларини сақлаб қолиш, макроиқтисодий барқарорликни янада мустаҳкамлаш;

-янги иш ўринларини ташкил этиш ва аҳоли бантлигини таъминлаш дастурини амалга ошириш – 2013 йил иқтисодий дастурининг энг муҳим устивор вазифалари этиб белгиланган.

Республикамиз капитал қурилишида иқтисодий ислохотларни янада чуқурлаштириш, тармоқда бозор иқтисодиёти тамойиллари ва талабларига мос келадиган хўжалик муносабатларини кенг жорий этиш, пудрат, лойиҳа ишлари қурилишда нарх белгилаш механизмини такомиллаштириш, қурилиш материаллари бозорини кенгайтириш, уларнинг илғор турларини ишлаб чиқаришни ўзлаштириш, қурилиш индустрияси корхоналарда замонавий технологияларни тадбиқ этиш ва ҳ.к.лар.

Давлат архитектура ва қурилиш қўмитаси томонидан шаҳарсозлик соҳасида тегишли норматив ҳужжатлар тизими ишлаб чиқилиб, улар соҳа фаолиятида – лойиҳалаштириш, лойиҳаларни экспертиза қилиш, пудрат савдоларини ўтказиш, қуриш, қурилиш сифатини устидан давлат назоратини олиб бориш, қуриб битирилган объектларни фойдаланишга қабул қилишда шаҳарсозликдаги махсус ваколатли орган сифатида 400 дан ортиқ қурилиш нормалари ва қоидалари, шаҳарсозлик нормалари ва қоидалари 450дан ортиқ қурилиш сметалари учун норматив ҳужжатлар

хамда 150 га яқин Қоидалар, Низомлар, Кўрсатмалар, Реглементлар ва Тартиблар ишлаб чиқилиб амалга тадбиқ этилмоқда.

Бугунги кунда юқорида қайд этилган ҳуқуқий-меъёрий ҳужжатлар ижросини Республикамизни барча ҳудудларида қад кўтарган барча гўзал биноларда, саноат корхоналарида, таълим муассасаларида, спорт иншоотларида, санаторияларда, янги қурилган, қайта реконструкция қилинган кенг ва равон автомобил йўлларида, кўприкларда, темир йўлларида ва бошқа кўплаб иншоотларда кўришимиз мумкин. Булар шаҳар ва қишлоқлар хуснага-хусн кўшиб аҳоли фаровонлиги учун хизмат қилмоқда.

2005-2014 йиллар давомида 8 минг 200 дан ортиқ умумтаълим муассасаси, қарийб 1 минг 500 та касб-ҳунар коллежи ва академик лицей барпо этилди ва реконструкция қилинди.

Фақатгина 2010 йилнинг ўзида мамлакатимизнинг 159 та қишлоқ туманларида намунавий лойиҳалар асосида барча қулайликларга эга тайёр ҳолда топшириш шарти билан 6 минг 800 та уй-жой барпо этилди. 2011 йилда 7400 та, 2012 йилда 10500 та уй-жой барпо этилган.

Ўзининг 23 йиллик мустақиллик тараққиёти давомида қанчадан-қанча синов ва машаққатлардан ёруғ ёз билан ўтган, бекиёс бунёдкорлик салоҳияти билан ўз юртини обод ва фаровон этиб келаётган мард ва меҳнаткаш халқимиз бунга ҳар томонлама қодир эканлиги барчамизга куч-ғайрат ва ғурур, эртанги кунимизга мустаҳкам ишонч бағишлайди.

Мустақиллигимизнинг биринчи кунидан бошлаб Республикамиз Президенти И.А. Каримов томонидан мамлакатимиз ҳудудида жойлашган аҳоли пунктларида ижтимоий-манавий, сиёсий, мафкуравий ва иқтисодиёт тараққиёт йўли оқилона тўғри белгиланди. Вилоятда шу жумладан Самарқанд шаҳрининг ижтимоий ҳаётида кўзга кўринарли, эътиборга лойиқ катта ишлар амалга оширилди. Қишлоқда яшовчи аҳолига ёрдамчи деҳқон хўжаликлари ташкил этилиб, уларни хўжалик юритиш учун ер участкалари ва турар-жой қурилиши учун қулай

шароитлар яратилди. Яна бир долзарб масалалардан бўлган биз учун энг катта бойлик инсон саломатлигини асраш, аҳолининг тиббий маданиятини ошириш, таълим-тарбия тизимининг моддий базаси ва сифат даражасини кўтариш масалалари бўйича давлат дастурлари ишлаб чиқилиб ҳаётга тадбиқ қилинган. Мустақиллик йилларида тиббий саҳа объектларини қайта қуриш ва янгидан барпо этиш ишлари бўйича вилоятда 145 та қишлоқ врачлик пунктлари қурилиб, уларнинг моддий базаси қайтатдан шакиллантирилди. Янги тиббий асбоб-ускуналари билан жиҳозланди. Вилоятнинг энг чекка қишлоқларида ҳам замонавий диагностика асбоб-ускуналари билан жиҳозланган тиббий муассасалари тизими яратилди.

Барпо этилаётган ва қайта реконструкция мактаблар, касб-хунар коллежлари, академик лицейлар, шифоналар, соғломлаштириш марказлари, меҳмонхоналар ва шулар каби бошқа бинолар миллий меъморчилик анъаналарига таянган, замонавий қурилиш ва пардозлаш материаллари қўлланилиши кўзда тутилган лойиҳалар асосида борпо этилмоқда. Объектларни лойиҳалашда Республика бош лойиҳа ташкилотлари билан бир қаторда вилоятда фаолият кўрсатаётган “Меъморқурилишлойиҳа”, “Самқишлоқлойиҳа”, “Самтиблойиҳа”, “Самарқандфуқаролойиҳа”, “Парвизлойиҳа”, масулияти чекланган жамиятлари, ва “Юнивер протил” лойиҳалаш фирмалари иштирокида амалга оширилмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2000 йил 26 апрелдаги “Ўзбекистон Республикасида архитектура ва шаҳар қурилишини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги фармонида қўйилган асосий васифалардан бири бўлган, шаҳарлар туман марказлари ва аҳоли пунктларининг бош режаларини ишлаб чиқишни ташкил этиш ва лойиҳа-режалаштириш ҳужжатларига қатъий мувофиқ равишда аҳоли пунктларининг ривожланишини таъминлаш бўлди. Ушбу фармоннинг ижроси юзасидан Республика ҳукуматининг қатор қарорлари қабул

қилинди. Вилютимизнинг 10 дан ортиқ шаҳар, шаҳарча ва туман марказларининг бош режалари республиканинг бош лойиҳа институтлари томонидан ишлаб чиқилди ва белгиланган тартибда тасдиқланди. Ушбу аҳоли пунктларида бугунги кунда қурилиш, ободонлаштириш ва муҳандислик инфратузилмасини шакиллантириш ишлари тасдиқланган бош режалар асосида олиб борилмоқда.

Вазирлар Маҳкамасининг 2010 йил декабр ойида қабул қилинган 286 сонли қарор билан тасдиқланган дастур асосида 2015 йилга қадар яна 15 та шаҳар, шаҳарча ва туман марказларининг бош режаларини ҳамда 93 та қишлоқ фуқаролар йиғинлари ҳудудларини меъморий-режалаштиришни ташкил этиш лойиҳаларини ишлаб чиқиш кўзда тутилган. Шундан 2011 йилда 22 та қишлоқ фуқаролар йиғинлари бўйича шаҳарсозлик ҳужжатлари ишлаб чиқилади.

Вилютимиз ва Самарқанд шаҳарида ўлкан қурилиш ва ободонлаштириш ишлари 2004 йилда ўтказилган “Универсиада-2004” ёшлар спорт ўйинлари, Самарқанд шаҳрининг 2750 йиллиги арафасида амалга оширилди. Барпо этилган спорт объектларидан 15 минг томошабин ўрнига эга бўлган ўйингоҳ, сув спорт мажмуаси, педагогика ва спорт касб-ҳунар коллежи, спорт заллари ва очик сузиш иншооти, манеж ва бошқа бинолар.

Шаҳарнинг 2750 йиллиги юбилей арафасида ташриф буюрувчи меҳмонлар ва сайёҳлар учун 60 дан ортиқ хусусий меҳмонхоналар қурилди. Мирзо Улуғбек кўчаси бўйлаб, собиқ ҳарбий қисм ўрнига ўқув ва жамоат бинолари мажмуи ташкил этилди. Булар академик лицей, санъат коллежи, концерт зали, Бахт уйи, автосалон ва супермаркет биноларидир.

Самарқанд шаҳри меъморчилигига хос йўналаш, яъни меъморий ёдгорликларни таъмирлаш ва қайта тиклаш доирасидаги ишлар кўлами алоҳида этиборга лойиқдир. Эски шаҳар маҳалаларидаги масчитлари ҳам қисман таъмирланди ҳамда улар қошида обод ва шинам меъморий муҳит

яратилди. Самарқанд шаҳридаги мавжуд меъморий ва тарихий обидаларга янги мустақил ҳаёт руҳи баҳшида этилди.

**ARXITEKTURAVIY
REJALASHTIRISH
QISMI**

ЖОМБОЙ ТУМАНИ

Маркази – Жомбой шаҳри.

Ташкил топган вақти – 1970 йил 7 декабрь.

Умумий майдони – 0,55 минг км².

Шаҳар типигаги посёлкалар (шаҳарчалар) сони – 5 та.

Маҳалла фуқаролари йиғинлари сони – 41 та, шундан шаҳар маҳаллалари сони – 11 та, қишлоқ фуқаролари йиғинлари сони – 8 та.

Қишлоқ аҳоли пунктлари – 134 та.

2012 йил 1 январь ҳолатидаги доимий аҳоли сони – 141 889 киши, шундан шаҳар жойларда – 33 988 киши (эркаклар – 16 680, аёллар – 17 308), қишлоқ жойларда

107 901 киши (эркаклар – 54 354, аёллар – 53 547)

Самарқанд шаҳригача бўлган масофа – 13 км.

Чегарадош вилоятлар – Жиззах, туманлар – Булунғур, Тайлоқ, Самарқанд, Оқдарё, Пайариқ



Мустақиллик йилларида мамлакатимизда улкан бунёдкорлик ишлари амалга оширилиши натижасида намунавий услубдаги уй-жойлар, касб-хунар коллежлари, тиббиёт масканлари, мактаблар, жамоат бинолари, маданият ўчоқлари, спорт комплекслари, истироҳат боғлари барпо этилди. Борлари қайта таъмир ва реконструкция қилинди. Бундай бунёдкорлик ишлари

республикамизнинг энг чекка қишлоқларида ҳам оммавий тус олди, десак асло муболаға бўлмайди.

Самарқанд вилоят ҳокимлиги Инжиниринг компанияси тақдим этган маълумотларга кўра, биргина жорий йилда 10 минг 592 ўринли 69 та умумтаълим мактаблари реконструкция қилинди, 6588 ўринли 14 та мактабда эса капитал таъмирлаш ишлари ўз вақтида ва сифатли бажарилди. Бундай ҳажмдаги қурилиш-монтаж ишларининг тендер баҳоси 31 миллиард 869 миллион 477 минг сўмни ташкил этди. Шунингдек, вилоятда 4 та мусиқа ва санъат мактаби, 8 та умумтаълим мактабида қўшимча спорт заллар, 5 та спорт иншооти, 12 та соғлиқни сақлаш объекти ҳам ўз вақтида битказилиб, фойдаланишга топширилмоқда. Самарқанд шаҳрининг Даҳбед кўчасида вилоят кўп тармоқли болалар тиббиёт марказини реконструкция қилиш ишлари жадал олиб борилмоқда. Тендер баҳоси 3 миллиард 140 миллион сўм бўлган бу объектдаги қурилиш ишлари “Амон бобо люкс” хусусий корхонасининг моҳир қурувчилари томонидан амалга оширилаяпти. Шаҳардаги якка кураш бўйича олий спорт мастерлик мактаби эса “ПМК-4” МЧЖ қурувчиларига топширилган бўлиб, таъмирлаш ишлари ўз вақтида, сифатли бажарилди. Юрт жамолидан қувониш, унинг ободлигидан севиниш яхши. Бироқ, оддий қурилиш материалларидан мўъжизалар яратаётган, санъат асари даражасидаги қошоналар бунёд этаётган қўлигул уста — дурадгорлар, ганчкорлар, ёғоч ўймакорлари меҳнатини қадрлаш, уларга миннатдорлик билдириш биз учун ҳам қарз, ҳам фарздир.

Умумий ўрта таълим мактаблари биноларининг типлари Ўзбекистонда Кадрлар тайёрлаш миллий дастурининг амалга оширилиши бўйича Халқ таълими вазирлигининг қарорларига мувофиқ ўрнатилади. Мактабларнинг асосий типи, бу - болалар 7 ёшдан бошлаб 1-9 синфларда ўқитиладиган 9 йиллик таянч мактаблардир.

Умумий ўрта таълим мактабларининг сиғими, яъни қанча ўқувчига мўлжалланиши синфларнинг 35 иштирокчидан(келгусида 30 иштирокчидан кўп бўлмаган синфлар) ташқил топишидан ва ўқитиш муддати 9 йилга белгиланишидан келиб чиққан ҳолда аниқланади, бунда 1-9 синфларнинг сони мактаб таълими ёшидаги болаларнинг 100% қамраб олишни ҳисобга олган ҳолда (посёлка ёки шаҳар микрорайони аҳолиси ёш бўйича таркибининг асосий жиҳатларини ҳисобга олган ҳолда) белгиланади. Мактабнинг максимал сиғими қоидага кўра 36 тадан ошмаслиги лозим(яъни 9 та синфдан иборат бўлган 4 та оқим). Шаҳарларда кўп қаватли бинолар шароитидан келиб чиққан ҳолда 2-3та мактабдан ташқил топган мактаб мажмуаини яратишга рухсат етилади.

Мактаб тармоқларини ҳисоблаш посёлкалари, шаҳарлар, районлар аҳолисининг демографик (ёш бўйича) структура (тузилма)сига мувофиқ равишда мактаб ёшидаги болаларнинг сони ҳисобга олинган ҳолда амалга оширилади. Мактабларни жойлаштириш ва уларнинг пиёда қатнаши учун қулай бўлиши Ш.Н.К 2.07.01 га мувофиқ қабул қилишни тақозо этади. Қишлоқ жойлари учун мактабларнинг меъёрий пиёда транспорт қатнови 30 минутдан кўп бўлмаслиги бўйича қулайликни таъминлаш имконияти бўлмаган ҳолларда, мактаб интернатлар ёки мактаб қошида интернатларнинг ташқил етилиши кўзда тутилиши лозим.

Интернатларда яшовчиларнинг улуши лойиҳалаштиришнинг топшириқномаси орқали белгиланади.

Мактабларни асосий хоналарининг ориентацияси синфлар ва кабинетларнинг жанубий ва жанубий шарқий ориентациясини кўзда тутиши тавсия етилади, тасвирий санъат ва чизмачилик, информатика кабинетлари учун шимолий ориентация маъқулроқдир.

Шимолий ориентацияни бошланғич синфлар ва биология лабораториясидан ташқари, бошқа ўқув кабинетлари ва лабораториялар учун қўллаш мумкин.

Деразаларнинг 75-285 ° азимутга қаратилган ориентациясида исиб кетишнинг олдини олиш мақсадида ва ўқув жойларининг тўғри инсоляциясини тиклаш учун қуёшдан ҳимоялашнинг кўзда тутилиши тақозо этилади. Қуёшдан ҳимояланиш қурилмаларини танлаш маҳаллий шароитлар бўйича лойиҳага асосан белгиланади.

Ошхоналарнинг иссиқ цехлари учун шимолий ориентация маъқулроқдир.

Кам қаватли бинолар(бир ва икки қаватли) учун қуёшдан ҳимояланишни кўкаламзорлаштириш тадбирлари орқали таъминлаш мумкин (дарахтларни бино деразаларидан 10 м. дан кам бўлмаган масофада ўтказиш талаб қилинади).

Санъат ва умумтаълим мактаблари, синфлар сонига ёки умумий сиғимига кўра фарқланади. Синфдаги ўқувчилар сони бошланғич синфлар учун 40 ўқувчи, юқори синфлар учун 36-40 ўқувчи қилиб олинади. Мактаб сиғими 80 дан 1728 гача бўлиши мумкин. Йирик турар жойларда 2500-3000 ўқувчига мўлжалланган мактаб мажмуалар ҳам лойиҳаланиши мумкин.

1-жадвалда мактабларнинг синфлар сони ва сиғимига кўра турлари келтирилган.

1-жадвал. Мактабларнинг сиғимига кўра турлари.

№	Мактаб тури	Синфлар сони	ўрин сони	Мос келувчи аҳоли сони
1.	Бошланғич таълим мактаби	4	80	1000 гача
2.	Умум. ўрта таълим мактаби	8	360	2500
	Умум. ўрта таълим мактаби	13	504	3000
	Умум. ўрта таълим мактаби	18	704	4000
	Умум. ўрта таълим мактаби	22	864	5000
	Умум. ўрта таълим мактаби	33	1296	9000

	Умум. ўрта таълим мактаби	44	1728	12000
3.	Мактаб мажмуаси	33+33	2592	18000

Меҳнатга ўргатиш хоналарини қоидага кўра шовқин чиқарувчи манбалар бўлганлиги учун овқатланиш ёки залли блоклар билан блоклаштириш тавсия қилинади. Ёғочни қайта ишлайдиган устахонадан ва металл ҳамда ёғочни қайта ишлайдиган комбинациялашган устахоналардан ташқарига бевосита ёки синфлар, ўқув кабинетлари ва лабораториялардан чиқиш ешиклари бўлмаган, устахона туташган йўлак (йўлак) орқали ташқарига чиқиладиган қўшимча чиқиш жойларини кўзда тутиш зарур.

Мажлис залидаги ўринлар сони: мактабни ҳисобланган сиғимининг шаҳар мактабларида 20,25%, қишлоқ мактабларида 30-35%, мактаб интернатларда 50% ни кўзда тутиши керак.

Реконструкция шароитида мажлис залининг сиғимини камайтиришга рухсат етилади.

Зал майдони лойиҳалаштириш топшириғига асосан ўрнатилади. Мажлис залининг майдони битта ўринга 0,65-0,72 м² тўғри келишидан келиб чиққан ҳолда қабул қилинади; 630 иштирокчидан кам бўлмаган мактабларда залдаги битта ўрин майдонини 1.2гача оширишга рухсат етилади. Мажлис залида видео кўрсатув учун (кино экран билан бирга) қурилма кўзда тўтилади.

Кутубхона 20 минг бирликни сақлаш фонди билан битта хона кўринишида ташкил етилади(ўқув зали ва китоблар сақланадиган зоналар 2:1 да бўлиши лозим). Кутубхона хоналарининг майдони 4-жадвалга мувофиқ қабул қилинади. Фаолияти давом этаётган шароитда реконструкция қилинаётган камайтирилган кутубхона майдонини қўллашга рухсат етилади, бироқ бу майдон 30 м².дан кам бўлмаслиги талаб қилинади.

Ўқув-спорт залларининг ўлчамлари бир нафар иштирокчига 0,9 м². тўғри келишини ҳисоблаб, 3-жадвал бўйича ҳисобланган юкламага мувофиқ қабул қилинади. Иштирокчиларнинг 3 ва 4 оқимига мўлжалланган йирик

мактабларда иккитадан спорт заллари ёки битта катта зал $540 \text{ м}^2 / 30,18$ қабул қилинади. Залнинг том ёпмаси (оралиқ ёпилма)конструкциясининг пастки қисмигача бўлган баландлиги :

9x18м-5,4м;12x24 м. ва 30x18 м.да 6 м.дан кам бўлмаслиги лозим. Спорт залини ўқув хоналарининг устига жойлаштирмаслик учун талаб этилади.

BADIIY QISM

Битирув малакавий иш мавзуси “**Жомбой шахридаги 10-сон мусиқа ва санъат мактабининг дизайн ечими**” бўлиб у қуйидаги элементлардан ташкил топади: Мактаб бош режаси, (ген план) Худудий режа, кичик меъморий шакллар, дарахт ва ҳар хил ўсимликлар ҳамда уларнинг турлари. Мактаб фасади кўриниши (панорама), перспективаси, логотип, пиктограммалар, дам олиш жойлари, ўриндиқлар, ахборот қурилмаси ва асосий интерьерлар каби интерьер - дизайн элементлари. 2400x1800 ўлчамдаги фотоқоғозда мавзу билан биргаликда компановка қилинган.

Бугун мамлакатимизда миллий мусиқа санъатини янада раванк топтириш, шу йўналишда ўқиб-изланаётган ёшларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш борасидаги эзгу ишлар кўлами тобора кенгаймоқда. Бунда давлатимиз раҳбарининг 2008 йил 8 июлда қабул қилинган “Болалар мусиқа ва санъат мактабларининг моддий-техник базасини мустаҳкамлаш ва уларнинг фаолиятини янада яхшилаш бўйича 2009-2014 йилларга мўлжалланган Давлат дастури тўғрисида”ги қарори муҳим дастуриламал бўлаётир.

Мактабдаги бадиий безак ишларига узвий боғлиқ ҳолда қараш лозим. Мактаб интерьерининг рангги ва ёритилиши масаласида энг аввало қараш қобилияти учун оптимал шароит яратиш талабларидан келиб чиқиш лозим. Ёруғлик ва ранглар дарс самарадорлигига, қараш учун қулайлик даражасига, ўқувчилар ва ўқитувчиларнинг умумий саломатлигига бевосита таъсир қилсади.

Одатда болалар рангдан жуда тез ва қучли таъсирланадилар. Таҷриба синф хоналарининг тугри, функционал жиҳатдан маълум рангларга бўялса, ўқувчиларнинг ишлари янада жонланиш ва ўқув материалларини яхшироқ ўзлаштиришларини қилсади.

Мактабдаги ҳамма хоналарини икки гуруҳга бўлиш мумкин:

А) укув хоналари:

Б) дам олиш хоналари (мажлислар зали, вестибюль, фойе, кургазмалар зали)

Биринчи гуруҳда хоналарда кузнинг нури ва эътиборини бир ерга туплаб шугулланилади. Бу хоналар оддий, бир-бирига якин оч ранглар билан буялади. Иккинчи гурӯҳдаги хоналар уз вазифасига кура ранг жихатдан укув хоналарининг тескарисидир. Бундай хоналар рангдор, кувнок, контраст рангларга буялиши керак.

Ранглар композицияларнинг гармоник яхлитлигида ҳам алоҳида аҳамият касб этади. Айниқса, ранг асосий рол уйнайдиган мозаик панноларда, витражларда композицион гармонияга жиддий эътибор бериш лозим. Шундагина асарнинг ранг бирлиги эстетик таъсир этувчи энг асосий омиллардан бири булади. Ранг ҳам худди кон яратади. Реал ҳаётда ранг шаклни ташкил этувчи омил сифатида шаклланади.

Мактаб иш хоналарида-синфлар, лабораториялар, устахоналар, кутубхоналар ва умумий кузга ҳамда диққатга зур келадиган жойларда ёруглик, ёритилганликка меҳнатни енгиллаштириш, кайфиятни яхшилаш, чарчашнинг олдини олиш восита сифатида қараш керак.

Интеръерни ёритишда табиий ёруглик манбаидан тугри, оқилона фойдаланиш анча мураккаб ишдир. Хоналарда ёруглик чап томондан тушиши мақсадга мувофиқдир. Ёругликда рангнинг нозик томонларини илгаб олиш учун қулай шароит тугилади. Хоналарнинг бир текис ёритилишига эришиш лозим.

Ёритилиш даражаси нормадан кам бўлса куз қиёналиб чарчайди, зурикади. Ёритиш манбаини нотугри жойлаштириш, кузга нур тушиши ёки нур қайтиши ҳам шундай салбий таъсир қурсатади.

Интеръердаги безак элементлари, стендлар, деворий газеталар ва бошқа безаш воситаларини таъсирчанлиги ошишида, уларнинг ранг-баранг қуринишида ҳам ёритилганлик муҳим аҳамият касб этади.

ИНТЕРЬЕР ВА ФАСАДЛАРНИ БУЯШГА КУЙИЛАДИГАН ТАЛАБЛАР.

Мактаб биносини деворларини буяш ранглар турли ёшдаги укувчиларга турлича таъсир этишини ҳисобга олиб амалга оширилади. Мактаб деворларини буяшда ранглар уз урнида куллаш, уларнинг психологик таъсирига алоҳида эътибор бериш лозим. Ранглارнинг уз урнида кулланилиши мактабдаги таълим тарбия ишлари сифатини оширишга қаратилган бўлса, психологик таъсирчанлик ҳам синфда укувчи учун маънавий ва маънавий қулайлик ярата олиш керак. Синф хоналарини буяшда рангларнинг ёруғлик қайтариш хусусиятларини назарда тутиш лозим. Мактаб деворларини буяшда кулланиладиган асосий рангларнинг ёруғлик қайтариш хусусияти қуйидагича:

Ок – 85%, оч сарик – 75%, оч яшил – 65%, оч кук – 65%,

Кул ранг – 55%, яшил – 52%, ҳаво ранг – 35%, кизил – 13 %.

Синф хоналарини буяшда дераза қаршисидаги девор ранггини ёруғлик қайтариш коэффиценти – 60 %, доска урнатилган девор – 50 %, дераза урнатилган девор – 70 %, поли эса – 30 % бўлиши оптимал ҳисобланади, хона шифри ок рангга буялади.

Рангларнинг иссиқ совуқлик хусусиятларини тугри куллаган ҳолда деворларни буяш муҳим аҳамият касб этади. Иқлим иссиқлигини назарда тутган ҳолда купрок совуқ ранглардан фойдаланиш мақсадга мувофиқдир. Бу ранглар хонадаги ҳароратни «психологик» пасайтириш хусусиятига эга.

Табиий ёруғлик тушишини ҳисобга олган ҳолда шимол, шимоли-шарқ, шим-ғарб томонларда деразаси бор хоналар илик ранглар гаммасига, жануб, жанубий-шарқ, жанубий-ғарб томонларда ойнаси бор хоналар совуқ ранглар гаммасига, буяш тавсия этилади. Кичик мактаб ёшидаги укувчилар учун мулжалланган хоналарни турли рангларга буяш мумкин, чунки улар зерикарли рангларга буялган хонада тез толикиб қоладилар.

Ҳаракатли дам олиш учун мулжалланган хона ва хоридорлар туйинчоқрок рангларга буялади. Синф хоналари эса оч, хотиржам рангларга буялса хоналарнинг ёритилганлик даражаси ошади.

Ранглар спекторидаги саргиш-яшил ранг кузни камрок чарчатади. Бу ранглар асаб системаларига нисбатан камрок таъсир курсатади.

Хайкалтарошлик турида турли хил материаллар цемент, гипс, гил ва бошкалар ишлатилади. Бу материаллар билан ишлашда уларнинг функционал, химиявий-физик хусусиятлари билан таниш булиш талаб этилади.

Мактабни байрамона безатилишида унинг атрофига, ташки куриниши ва ички хоналари, айникса мажлислар залига махсус зеб бериш ишлари бажарилади. Бунда одатдаги безатишдан фарки-декоратив элементлар мазмуни байрамона рухда булиши керак. Мактаб биносининг ташки киёфаси унинг байрам кунларидаги биринчи тантанавор нуктасидир. Бинони безашда унинг одамлар кузига купрок ташланадиган томонини назарда тутиши керак. Безашда плакатлар байроклар, лозунглар ва бошка безаш воситаларидан фойдаланилади.

Бино ичкараси безашда байрам рухига мос булган безак элементлари (чакириклар, табриклар, деворий газеталар, хар хил плакатлар, шар, гул, ялтирок материаллар ва бошкалар) кулланилади. Безаш ишларининг умумий мақсади шодлик, кувноклик каби байрамона рухни ифодалашга каратилган булиши керак.

Мактабларда ташкил этиладиган кургазмалар тематикаси хар хил булиши керак. Ташкил этиш турт боскичда:

1. кургазма темасини аниклаш.
2. тематик экспозицион план тузиш.
3. экспонатлар йигиш.
4. кургазма учун кулай жой танлаш.

Кургазмалар рекреацияларда, коридорларда, залда ва бошка жойларда ташкил этилиши мумкин. Бундан ташкари доимий кургазмалар жойи ташкил этиш хам мумкин. Кургазмада кулланиладиган безаш воситалари унинг тематикасига мос, уни мазмуни тулдирилувчи характерда булиши лозим. Кургазма элементлари, стендлари умумий композицион хосил килишлиги мухим ахамиятга эга. Стендларни куришни кулайлигини таъминлашда укувчилар буйлари хам хисобга олинади.

Кургазма куриш (унинг бошланиши) таъсирли, диққатни жалб этадиган тантанавор килиб безалади. Экспозициялар куринишлиги ёритилганлиги ҳисобга олинади.

Укувчилар хонаси, директор хонаси ва бошқа хоналар функционал хусусиятларидан келиб чикиб жихозланади.

Мажлислар ва тантаналар залини безатишда безовчи расом маҳорати айниқса муҳим рол уйнайди. Мажлислар зали функционал вазифа жихатдан кенг камрови, яъни турли тадбирлар (йигилишлар, кечалар, кинофильм-театр намоиши, ритмик гимнастика машғулотлари) утказишга мулжалланган бўлиши уни жихозлашга алоҳида эътибор беришни талаб этади. Залдаги безаш элементлари икки хил доимий ва вақтинчалик бўлади. Вақтинчалик безак элементлари утказиладиган тадбирлар моҳиятига ва тематикасига қараб узгартирилиб турилади. Зални безашда ишлатиладиган элементлар ҳажмлиликни таъминланиши лозим. Безак элементлари таъсирчан тантанавор, оригинал куринишида бўлиши керак. Маълум бир тадбирга бағишланган безак элементлари аниқ бир мақсадга, утказилаётган тадбирга қаратилган бўлиб, унинг моҳиятини тулақонли очиб беришга қилмоғи лозим.

Ҳар бир жамоат биносида асосий хонадан ташқари (синфлар – мактабларда, томоша зали – театрларда, савдо заллари – универмагларда), ёрдамчи хоналар (вестибюллар, фойелар, коридорлар, зинапоялар ва бошқалар) бўлади. Алоҳида ҳолларда, асосий ва ёрдамчи хоналар жамоат бино-ларининг элементлари деб қабул қилинган. Жамоат биналарининг сони ва тури қанчалик кўп бўлишига қарамай, бажараётган вазифа-лаларига қараб, бир хил бўлган хоналари мавжуд. Бу эса, уларни умумлаштириш, гуруҳларга ажратиш, умумий характеристика бериш ва лойиҳалаштириш шартларини қўйиш имконини беради.

Жамоат биноларининг ҳамма асосий ва ёрдамчи хоналарини санаб ўтиш имкони йўқ. Лойиҳалаш амалиётида кўп учрайдиганлари устидагина тўхталиш мумкин. Уларда ёрдамчи хоналар бўлиб хизмат қиладиганлари –

вестибюль, фойе, коридорлар, галереялар, зинапоя, лифтлар, пандус ва эскалаторлар ҳамда сантугунлар.

Кенг тизимда ташкиллаштирилган макондан бошлаб меъморчилик ёрдамида яратиладиган бадиий образлар инсоннинг ҳаётга бўлган муносабатларини шакллантирилга хизмат қилади.

Моддий муҳитни яратишда бинонинг ички маконини ташкил қилиш муҳим аҳамиятга эга. Меъморий иншоотларда кечаётган ҳаётий жараёнлар муайян образдан ташқари ташкиллаштирилган ички макон ва у билан боғланган предмет муҳитисиз тўлиқ ривожлана олмайди. Интерьернинг ички маконини яратишда функционал ва эстетик вазифалар амалга оширилади.

Интерьер сўзи француз тилидан келиб чиқиб, “ичкари” деган маънони билдиради. Интерьер моддий макон бўлиб, турган ҳолда умумий принциплар билан бирга меъморчилик тармоқларига тўғри келадиган фарқларга ҳам эга.

Бинони меъморий лойиҳалашни, бутун иншоотни умумий ғоявий мазмунига таъсир қилувчи унинг интерьерининг ечимидан ажратиб бўлмайди. Шунинг учун меъморий муҳитни яратиш ички макон муҳитини ташкиллаштираувчи интерьерда фаол намоён бўлади.

Шу сабабли интерьерни яратишда бинонинг тизимидан, функционал ва ҳажмий-фазовий композициясидан келиб чиқади. Интерьер иншоотнинг ҳар томонлама композициясини биноларни лойиҳалашда кўпроқ мукамал ифодаланади. Бунда ҳажмий-фазовий ечим, функция, конструкция интерьернинг фазовий тизимини олдиндан аниқлаб беради. Шу борада бир қаторда ички фазонинг композицион ғояси бинонинг умумий композициясига жиддий таъсир кўрсатади.

Ички фазо ва унинг интерьерда амалий талаблар билан узлуксиз биргаликда эстетик ва маънавий эҳтиёжлар пайдо бўлади ва ривожланади.

Ҳозирги замон меъморчилиги шунчалик қийинлашдики, шунчалик дифференциаллашдики, натижада бинолар типологияси деган илмий фан вужудга келди.

Ички макон яшаш, иш, дам олиш жойи билан бир вақтда инсон руҳига таъсир қилувчи муҳит ҳамдир. Бу муҳит инсон онгида акс этиши натижасида унинг маънавий дунёсининг шаклланишида фаоли қатнашади. Ички макон аниқ берилган шароитда инсон онгида пайдо бўлиши мумкин бўлган тасаввури ва туйғусига мос тушадиган ҳолда яратиши ўта муҳим аҳамиятга эга. Бунинг учун меъмор атроф-муҳитнинг инсонга ҳар томонлама психологик ва физиологик туйғусидаги билимларни билиши зарур.

Бу нарса инсон туйғуларини ва кайфиятини бошқариш, унинг жисмоний ҳолатига ижобий таъсир қилиш ва ишлаш қобилиятини ошириш имкониятини яратишга ёрдам беради.

**HAYOTIY
FAOLIYAT
XAVFSIZLIGI QISMI**

Диплом лойиҳа иши “**Жомбой шахридаги 10-сон мусиқа ва санъат мактабининг дизайн ечими**” мавзусида бўлиб, унда мактабнинг дизайн ечими масаласи қараб чиқилган.

Диплом лойиҳа ишида мактаб интерьерларининг бадиий ечими лойиҳаси ҳозирги замон муҳандислик талабларидан келиб чиққан ҳолда инсонларни хавфсизлигини таъминлаш, электр хавфсизлиги ошириш ва ёғин-сочинлардан одамларни муҳофаза қилиш чора-тадбирлари ўрганиб чиқилиб хийбоннинг функциявий ландшафт-дизайн ечими кўриб чиқилган.



Объект Самарқанд вилояти Жомбой туманидада жойлашган бўлиб, ҳаво хавзасига нисбатан кам ифлосланган, экологик тоза ҳудудда жойлашган. Бинонинг шарқ тамонида аҳоли турар жойлари, шимол томонида маиший хизмат уйи ва савдо дўконлар, жануб томонида жамоат бинолар ва ғарб томонида туман солиқ идораси жойлашган.

Регионнинг ўзига хос метеорологик ва климатик хусусиятларига кўра, йил давомида атмосфера ҳавосидаги зарарли аралашмаларни тарқалиб-ёйилиб кетишини қийинлаштирадиган шароит кам кузатилади. Меъморий-ландшафт ечимида шамол йўналиши, қуёшнинг тушиши ва ёғингарчилик вақтида сувларнинг кетиш йўли, ҳавонинг исиб кетиши, ҳавонинг совиб кетиши, ер рельефлари, ҳавонинг тезлиги энг муҳим ўринни эгаллайди.

Қуйида мактаб меъёри лойиҳасини тайёрлашда ишлатилган климатик параметрлар келтирилган.

Асосий кўрсаткичлар	Белгиланиши	Ўлчов бирлиги	Қиймати
Атмосфера стратификациясига боғлиқ бўлган коэффицент	A		200
Ер рельефининг коэффиценти			1,0
Ҳаврнинг ўртача температураси соат 13 да:			
Энг иссиқ ой учун ташқаридаги ҳавонинг ўртача максимал ҳарорати	$T_{и}$	° C	+33,4
Энг совуқ ой учун ташқаридаги ҳавонинг ўртача максимал ҳарорати	$T_{с}$	° C	- 3
Шамол тезлиги, 5% такрорланувчанликда аниқ бўлган	U^C	м/с	6

Шамолнинг ўртача йиллик тезлиги	W_{cp}	м/с	2,0
Шамол йўналишининг ўртача такрорланувчанлиги	Ш	%	3
	ШШр	%	7
	Шр	%	36
	ЖШр	%	26
	Ж	%	7
	ЖҒ	%	5
	Ғ	%	10
	ШҒ	%	6



Шунинг учун ҳам диплом лойиҳа ишининг “Ҳаётий фаолият хавфсизлиги ва меҳнат муҳофазаси” бўлимида биз асосий эътиборни ҳар қандай жойда ҳам, исталган пайтда ҳам содир бўлиш эҳтимоли бўлган тез-тез юз берадиган ёнғин, портлаш, электр хавфсизлиги, ҳаво ҳароратининг кескин совуб ва исиб кетиши, кучли қор ва ёмғир ёғиши, зилзилага ва санитария-гигиена талаблари ҳамда тизимларининг ишдан чиқиши, сув босиши каби офатларга қаратилади.

ЛОЙИҲА ИШЛАРИНИ БАЖАРИШДА РАНГЛАРНИ ТАЪСИРИ

Ишлаб чиқариш эстетикасини жорий қилиш, хоналарни ва интерьерни кўзни қамаштирмайдиган рангда бўяш, ёритиш, мусиқа, безаш - толиқишнинг олдини олишда, рухий физиологик йуналиш ҳисобланади. Кўпчилик ишлаб чиқариш биноларини яшил рангга буяш мақсадга мувофиқ, чунки, бу ранг таъсирсиз бўлиб, марказий асаб тизимини уйғотишга ҳам, тормозлашга ҳам сабаб бўлмайди. Асабга тормозловчи таъсир кўрсатадиган кўк ва ҳаво ранг бўёқлар билан иссиқликни кўп ажратадиган ёки шовқин ҳосил қиладиган хоналарни ускуналарини буяш мақсадга мувофиқ ҳисобланади.

Қизил ва сариқ ранглар кўзга таъсир кўрсатади, шунинг учун улардан ишчилар қисқа ишлайдиган, яъни, созлаш ва таъмирлаш ишларини бажариш вақтидагина бўладиган хоналарда фойдаланиш мумкин.

Бироқ хона ва ускуналарни бир хил ранг билан бўяш тавсия этилмайди, чунки бундай бир хиллик одамга салбий таъсир этиб инсон организми ҳимоясини ва асабни марказлашувини камайтиради. Бўёқлардан, шунингдек, ишора ёки эҳтиёткорлик мақсадида ҳам фойдаланилади. Транспорт воситалари, цехдаги жумроклар ва бошқа ускуналарни тиниқ рангларга буяш, ишлаб чиқаришда шикастланиш ҳолларининг камайишига олиб келади. Цех ва бошқа жойларни унумли ёритиш ёруғликнинг бир текис тарқалиши, цехнинг ички томонларини бадиий безатиш, чиройли ва қулай иш кийими толиқишнинг олдини олади. Меҳнатнинг тиббий шароитларини

яхшилаш, ишлаб чиқариш муҳитининг гигиеник талабларига мувофиқ қилиш, меҳнат унумдорлигини ошириш йўлларида бири ҳисобланади. Чанг, газ, шовқин ва тебранишларни камайтириш, меъёрий микроиклим яратиш, буларнинг ҳаммаси касбга алоқадор ва касбга алоқаси бўлмаган касалликларнинг олдини олиш учунгина эмас, балки иш қобилиятининг юксак бўлиши учун ҳам зарур шароит ҳисобланади

СЕЛ ХАВФИ ВА СУВ ТОШҚИНИ ДАМ ОЛУВЧИЛАРНИНГ ҲАРАКАТИ

Самарқанд Давлат архитектура қурилиш институти яқинида жойлашган “Архитекторлар” хиёбонида сел ва сув тошқини бўлганда сувни кетадиган йўли йўқ. Шунинг учун қуйидаги ҳолларда аҳолини ҳаракатини ҳисобга олган маъқул.

Сув тошқини – дарё, кўл ёки бошқа сув ҳавзалари сув сатҳининг кескин кўтарилиши натижасида жойнинг вақтинчалик сув остида қолиши.

Сел- тоғ дарёлари ўзанларида тўсатдан юзага келувчи, сув, тоғ жинслари бўлаклари аралашмасидан иборат лойқа ёки лой тошли оқим.

Сел хавфи ва сув тошқини бўлгангача ҳаракат

- Сел келиши ва сув тошқин бўлиши мумкин бўлган жойларни билиб олинг.
- Қурилиш ишларини фақат давлат органлари рухсати билан олиб боринг.
- Сел келиши ва сув тошқин бўлиши тўғрисидаги хабарни олгач, газ, электр тармоқларини ўчириш ва қимматбаҳо буюмларнингизни хавсиз жойларга олиб чиқинг.
- Олдиндан хавфсиз жойларни ва у ерга чиқиш йўллариини белгилаб қўйинг.
- Озиқ — овқат, кийим кечак, дори дормонларни ва қутқарув воситаларини тайёрлаб қўйинг.

- Аввалдан белгилаб қўйилган йўналиш бўйича тезликда хавфсиз жой (тепалик, юқори қават, болохона, том)га чиқинг.
- Эвакуация тўғрисидаги хабарни олгач, режага асосан ҳаракат қилинг.

Сел ва сув тошқини вақтидаги ҳаракат.

- Эвакуация тўғрисидаги хабарни олишингиз билан аввалдан тайёрлаб қўйилган энг зарур буюмларни олиб чиқиб кетинг.
- Саросимага тушмай, олинган ахборот ва вазиятни тезда баҳолаб, қарор қабул қилгач унга биноан ҳаракат қилинг.
- Сел ва сув тошқини бўлиши мумкин бўлган хавфли майдонларни тезда тарк этинг.
- Сел оқимиға тушиб қолсангиз, оқим ҳаракати бўйлаб бурқак остида кирғоққа чиқиб олишга ҳаракат қилинг.
- Гулхан ёқиб, фонар ёки оқ мато ёрдамида ҳалокат сигналини беринг.
- Сув ичида қолсангиз, устки кийим-бошларнингиз ва пойафзалингизни ечиб ташланг, атрофинигиздаги сузувчи воситалардан фойдаланинг.
- Болалар ва кексаларга ёрдам беринг.

Сел ва сув тошқинидан сўнги ҳаракат.

- Сел ва сув тошқини бўлмаслигига ишонч ҳосил қилинг.
- Болаларга, кексаларга ва шикастланганларга биринчи тиббий ёрдам кўрсатинг.
- Уйингизнинг мустаҳкамлигини синчиклаб текшириб чиқинг.
- Турар жойингиз қум, тош, лойқа билан тўлиб қолган бўлса, тозалаш ишларини ўтказинг.
- Узилган ва осилиб ётган электр симларидан эҳтиёт бўлинг. Сув остида қолган жойлардаги электр таъминотини тезда ўчиринг.
- Озиқ овқат маҳсулотларининг сифатини текшириб кўринг. Нам тортган маҳсулотларни ва ичимлик сувини тегишли санитар ишловдан ўтказмай

Ўтни ўчиришни дастлабки ускуналари.

Маъмурий бинолар ва саноат корхоналарида, ёнувчи ашёлар ва портловчи моддалар сақланадиган омборхоналар ҳудудида, ёнғин хавфи мавжуд бўлган жойларда ўт ўчиришда қўлланиладиган асбоблар ўрнатилган, «ёнғинга қарши қалқон» чизма да акс эттирилган.




Рис. 60. Пожарный пункт и размещение инвентаря:
1 — песок; 2 — огнетушители; 3 — доска правил пожарной безопасности; 4 — бочка; 5 — рукава; 6 — багры; 7 — ствол пожарный; 8 — доска-график работы ДПД.

Унда ёнгин хавфсизлиги меъзонларига кўра қуйидаги ўт ўчириш воситалари ва асбоблари зарур бўлганда осон олинадиган қилиб осиб қўйилган бўлиши шарт:

- 2 дона кўлда ишлатиладиган кўпикли ўт ўчиргич;
- 1 дона карбонат ангидридли ўт ўчиргич;
- 2 тадан мисрон ва илгакли чангаклар;
- 2 та болта; 2 та ёнғинга қарши сув узатгич эластик енглар;
- 2 та махсус тайёрланган конуссимон челаклар;
- 2 та бел курак; 1 та бочкада сув ва 1 та қутида қум ва ҳ.к.

Бундай қалқонлар маъмурий биноларнинг ҳовли томонидан, бинога кириш эшигига яқин жойда ўрнатилади. Ишлаб чиқариш корхоналарида, ёнғин хавфи мавжуд бўлган цехлар ва омборхоналарга кириш эшикларига яқин жойларда ўрнатилади. Ҳимояланаётган ҳудуднинг ҳар 5000 квадрат метрига 1 та «қалқон» ҳисобидан лойиҳалаштирилади.

Ундаги сув бочкасининг ҳажми 200 л дан кам бўлмаслиги керак, қум солинадиган қутининг ҳажми эса 2-3 м³ атрофида бўлади.

Ўт ўчирувчи кўпиклар. Кимёвий ёки ҳаволи механик кўпиклар, кўпик ҳосил қилувчи кукунларни суяқ муҳитда эритиш йўли билан ҳосил қилинади. Бунинг учун таркибида жавҳар ўрнини босувчи алюминосулфат $Al_2(SO_4)_3$ билан ишқор ўрнига натрий бикарбонат $NaHCO_3$ моддаларининг куруқ ҳолатдаги қоришмаларидан тайёрланган кукун, махсус мосламаларда босим остида сувга аралаштириб, эластик қувурларда оқизилади. +ўлда ўт ўчириш балонларида кўпик ҳосил қилувчи жавҳар қисмида, сулфат жавҳари H_2SO_4 ёки сулфат тузи билан оксидланган темир $Fe_2(SO_4)_3$ моддаларининг аралашмаси ишлатилади.

ЭВАКУАЦИЯ ЧИКИШ ЖОЙЛАРИ ВА ЙУЛЛАРИНИНГ МИҚДОРИ ВА ЎЛЧАМЛАРИНИ АНИҚЛАШ, ҚМҚ ТАЛАБЛАРИ

Зилзила, ёнғин ва сув тошқинлари каби фавқулодда вазиятлар содир бўлган тақдирда бино ва иншоотларда яшайдиган ёки ишлайдиган аҳолини муҳофаза қилишда катта самарадорликка уларни эвакуация қилиш орқали эришилади. Шунинг учун ҳам қурилишларни лойиҳалашдаги асосий

вазифалардан бири бу – фавқулодда вазиятларда аҳолини эвакуация қилиш йўллариининг режавий-конструктив ечимини ишлаб чиқишидир.

ЛОЙИҲАДА эвакуация режасини келтиринг

Ҳар қандай мақсадда қурилган иншоот ва бинолар(яшаш, ишлаб чиқариш ва маиший хизмат кўрсатиш жойлари)да ҳам одамларнинг ҳаракатланишини муҳим жараён деб қараш зарур. Ҳаракатланиш жараёнининг кечадиган шароитидан боғлиқ равишда икки тури мавжуд. Биринчиси одатий ҳаракатланиш, иккинчиси эса–мажбурий ҳаракатланиш. Бино ва иншоотлардаги оддий иш шароитларда кишиларнинг одатий ҳаракатланиши содир бўлади. Фавқулодда вазиятлар шароитида эса кишиларнинг ҳаётига хавф таҳдид солиши сабабли, мажбурий ҳаракатланиш амалга оширилади.

Аҳолини эвакуация қилиш деб номланувчи, мажбурий ҳаракатланиш ўзига хос хусусиятларга эга. Офат(хавф) манбаидан хавфсиз жойга ҳаракатланиб одамларнинг ташқарига чиқиши Боғда жойлашган бино ва иншоотларда хонадан-хонага эшиклар орқали, ўтиш йўлаклари ва коридорлар бўйлаб юриб, зинапоялардан тушишига тўғри келади. Бу йўллар ва чиқиш жойлари маълум талаблар бажарилган тақдирда эвакуация йўллари дейлади. Юз берган фавқулодда вазиятларнинг турига боғлиқ равишда ҳаракатланиш мобайнида одамларга таъсир этувчи хавф ва одамлар оқимининг миқдори ўзгариб боради. Бу ўзгариш биноларнинг мўлжалланиши, одамлар оқимининг таркиби ва турига ҳамда эвакуациянинг босқичига боғлиқ равишда ҳар хил кечади.

Эвакуация пайтида ўзининг мустақил ҳаракатлана олиш нуқтаи-назаридан кишиларнинг ҳолати одамлар оқимини характерлашда муҳим аҳамият касб этади. Шундан келиб чиққан ҳолда болалар муассасалари, касалхоналар, даволаш муассасалари, лицейлар, мактаблар, коллежлар, меҳмонхоналар ва театрларни алоҳида қараб чиқиш мақсадга мувофиқ бўлади.

Эвакуация чиқиш жойларининг энг кам миқдорини аниқлаш услубини меъёрлар талаблари билан асослаш лозим. Хоналар, каватлар ва бинолардаги эвакуация чиқиш жойлари миқдори ва умумий кенглиги улар орқали олиб чиқиладиган одамларнинг эҳтимол тутилган энг куп сонидан ва йул қўйиш мумкин булган чегаравий масофадан, одамлар булиши эҳтимоли булган энг узокдаги(ишчи урни) жойдан энг якин эвакуация чиқиш жойигача булган масофадан келиб чиқиб аникланади.

Турли хизматлар учун мулжалланган ёнгин хавфи булган, ёнгинга қарши тусиклар билан ажратилган бино кисмлари мустакил эвакуация чиқиш жойларига эга булиш лозим.

Куйидагилар энг камида икки эвакуация чиқиш жойига эга булиши керак:

Болалар богчалари, мактабгача муассасалар, қариялар уйлари, касалхоналар, бир вақтнинг узида 10 нафардан ортиқ одам келиб туришига мулжалланган мактаб-интернатлар, ётоқ корпуслари хоналари;

- бир вақтнинг узида 15 дан ортиқ одам келиб туришига мулжалланган ертула ва пастки каватлар хоналари;

- 50 дан ортиқ одам келиб туришига мулжалланган хоналар;

- ишлаб чиқариш ва омбор бинолари, А ва Б тоифадаги хоналар ва иншоотлар

- ишловчиларнинг энг куп сони сменада 5 кишидан ортиқ, В тоифасида - 25 кишидан ортиқ ёки майдони 1000 м^2 булганда;

- ишлаб чиқариш ва омборхоналардаги курсатишга мулжалланган жихозларга хизмат очик жовонлар ва майдонлари А ва Б тоифадаги хоналар учун полнинг сатхи 100 м^2 дан ошиқроқ, бошка хоналар учун 400 м^2 дан ошиқроқ булса;

- куп каватли уйларда хонадон икки каватдан юкорида жойлашганда, юкори кават 15м дан ортиқ булса, хар бир кават чиқиш йулига эга булиши керак.

Куйидаги бинолар каватлари камида битта эвакуация чиқиш жойларига эга бўлиши лозим: .

- болалар мактабгача муассасалари, кариалар ва ногиронлар уйлари, касалхоналар, мактаб-интернат ётоқ корпуслари, бекатлар, мактаблар, мактабдан ташкари муассасалар, урта махсус укув юртлари, касб-техника укув юртлари, олий укув юртлари, малака ошириш муассасалари;

Бино ва иншоотларда одамларни ҳаракатланиши зарурий функционал жараён ҳисобланади. Бу жараёни кечиш шароитига қараб одамларни ҳаракати меъёрий ёки мажбурий ҳолатда бўлиши мумкин. Биринчисида одамларни бино ва иншоотларда кундалик эҳтиёж юзасидан нормал ҳаракатланиши билан ифодаланса, иккинчисига бино ёки хоналардан ёнғин ёки зилзила шароитида одамларни хавфли муҳитдан хавфсиз жойга мажбурий кўчиш учун мўлжалланган ҳаракати тушинилади.

Мажбурий эвакуация жараёни икки-тўртта поғонада ўтказилади. Биринчи поғона бу бинонинг охириги қаватида энг четда жойлашган хонадаги чиқиш эшигидан максимал узоқлашган иш жойидан одамларни коридорга чиқишидир. Буларга барча бино ва иншоотларнинг юқори қаватидаги хоналари киради.

Иккинчи поғонага одамларни хонанинг чиқиш эшигидан то зинахона эшигигача бўлган масофани босиб ўтиши учун мўлжалланган ҳаракати киради. Бунда ҳаракатланувчи оқим коридор бўйлаб ўтади. Агар бино бир қаватли бўлса, эвакуация иккинчи поғонадан сўнг тугаши мумкин.

Учинчи поғонага одамларни юқориги қаватнинг зинахонага кириш эшигидан то биринчи қаватда зинахонадан чиқиш эшигигача бўлган масофани босиб ўтиш учун қилинган ҳаракати киради.

Тўртинчи поғонага одамларни зинахонадан чиққандан кейин вестибюл ёки фойе ва тамбур орқали ташқарига чиқиш эшигигача бўлган масофани босиб ўтишига қаратилган ҳаракати киради.

Эвакуация йўллари деб, бино ва иншоотларда хавфли ҳолат юзага келганда, одамларни бино ичида жойлашган доимий иш жойидан, қисқа вақт ичида ташқарига олиб чиқадиган элементлар тизимига айтилади. Бундай элементларга одамларни доимий иш жойидан энг қисқа йўл билан ташқарига

олиб чиқадиган йўналиш бўйлаб жойлашган йўлаклар, коридорлар, даҳлиз, зинахонадаги зинапоялар ва майдончалар, дарвозахоналар-вестибюл, тамбур (кириш дарвозалари орасидаги махсус хона), чиқиш эшиклари ва бошқалар киради.

Чиқинди ва чанг тупланишига мулжалланган бункер остида ёнмайдиган материаллардан утиш йуллари лойихаланиши керак. Ишлаб чиқариш жараёнларини технологик лойихалаш меъёрларига асосан портлашга, ёнгинга қарши ва ёниш хавфсизлиги талаблари бўйича қабул қилиш керак.

Бир йўналиш бўйича ҳаракатланаётган кишилар оқим зичлига, ҳаракат тезлиги, ҳаракат интенсивлиги ва йул қисмининг утқизиш қобилияти қаби курсаткичлар билан таърифланувчи одамлар оқимини ташкил этади.

Одамлар оқими зичлиги эвакуация йулида-майдон бирлигида жойлашувчи одамлар миқдорини ташкил этади. Катта ёшдагиларни эвакуация қилишда зичлик 10-12 одам/кв.м ни, уқувчиларни эвакуация қилишда 20-25 одам /кв.м ни ташкил этиши мумкин.

Одамлар оқимининг ҳаракат тезлиги йул туридан ва одамлар оқими зичлигидан келиб чиқади. Одамлар оқимининг чегаравий зичлигида одамлар тупланмаслиги учун ҳаракат тезлиги қуйидагиларни ташкил этади:

- горизонтал йул учун 15м/дақиқа
- зина орқали пастга 8м/дақиқа
- зина орқали юқорига 11 м/дақиқа

Одамлар оқими интенсивлиги, эвакуация йулидаги 1 метр эшик орқали 1 дақиқа ичида утувчи одамлар сонини таърифлайди.

Йул қисмининг утқизиш қобилияти ундан вақт бирлигида утган одамлар сонини таърифлайди.

Зарурий эвакуация вақти деб, у тугагандан сунг ёнгин пайтида ишчи минтақада одамлар ҳаёти ва саломатлиги учун ёнишга хавфли оқимлари пайдо буладиган вақтга айтилади.

Битта эвакуация чикиш жойига эга булган хоналар учун ҳамда ҳар бир эвакуация чикиш жойига одамлар сони 50 кишидан ошмаса ва энг узоқ иш жойидан энг яқин эвакуация чикиш жойигача булган масофа 25 м дан ошмагани ҳолда эвакуация вақти ҳисоби ишлаб чиқилмайди.

ЭЛЕКТРДАН ЖАРОҲАТЛАНГАНДА ДАСТЛАБКИ ТЕЗ ЁРДАМ

Электрдан жароҳатланган кишини дарҳол токнинг таъсиридан ҳалос этиб тоза ҳавога, қуруқ ерга ёки тахта устига ётқизиш лозим бўлади. Агар жароҳатланувчининг нафас олиши ва томир уриши сезилиб турса, уни орқасига қулайроқ ётқизиб, кўкрак тугмаларини ва камарини ечиб тоза ҳаводан нафас олишига ва тинчлигига ҳалақит бермаслик керак. Доим ахволдан, юрак уриши ва нафас олишидан хабардор бўлиб турмоқ талаб қилинади. Нашатир бўлса ҳидлатиш мумкин. Агар жароҳатланувчи нафас олмаса ёки ўқтин-ўқтин хириллаши сезилса, дарҳол уни оғзини очиб, тилини текшириш зарур, агар тил танглайга тикилиб, нафас йўлини тўсаятган бўлса дарҳол тилини олдига тортиб, кекирдак йўлини очиш керак. Шу тариқа ҳаво йўли очиклиги аниқлангандан кейин сунъий нафас олдириш билан бирга юракни «массаж» қилиш керак бўлади.


Токдан ажратиш олиш

Электр тармоғига уланиб, ҳуш - беҳуш ҳолатда турган одамни қандай қилиб ҳалос этиш мумкин? Бундай ҳолларда 1-расмда кўрсатилганидек, ўчиргич, ажратгич (рубильник) ёки пробкани чиқариб олиш йўли билан токни тез ўчириш керак бўлади (1-расмда 1,2,3). Агар буни имконияти бўлмаса, бирор бир қуруқ ток ўтказмайдиган восита, ёғоч ёки пластмасса таёқ ёрдамида электр симини ажратиш, ёки болта билан кесиб жароҳатланувчини электр занжиридан озод қилиш керак бўлади (1-расмда 4,5,6). Агар борди-ю жароҳатланувчи электр занжирига ўтказгични кафти билан ушлаган ҳолда уланиб қолган бўлса, уни зинҳор мушт ҳолатида симни сиқиб турган панжаларини қўлингиз билан очишга уринманг! Бу ўзингиз учун ҳам ҳавфлидир, сиз ҳам занжирга уланиб қолишингиз муқаррар! Асаб ва пай

толалари қисқариб панжаларни букиб қўйганда уларни қайта тиклаш осон бўлмайди.

Шунинг учун бундай ҳолларда оёққа резина этик, ё калиш кийган ҳолда ёки резина гиламчани токли сим устидан тўшаб, унинг устига оёқ билан чиқиб, жароҳатланувчининг қуруқ енгидан ёки резина қўлқоп кийган бўлсангиз уни билагидан юқорироқ жойидан икки қўллаб куч билан ажратиш олишингиз мумкин. Бу тадбирларни 1000 вольтдан кам бўлган кучланишли тармоқларда ишловчи ускуналарда қўллаш кўзда тутилган. 1000 вольтдан юқори кучланишли

тармоқлардан жароҳат-ланувчиларни ажратиш учун албатта халоскор қўлига диэлектрик қўлқоп (ток ўтказмайдиган қўлқоп) ва оёғига бўти кийган ҳолда диэлектрик штанга ёки махсус омбир ёрдамида кийимнинг мустаҳкам жойидан ушлаб тортиб ажратиш зарур.



Электр тармоғига уланиб қолган одамни занжирдан ажратиш олиш

Изоҳ: 1,2,3, -занжирни электр тармоғидан узиб қўйиш; 4.5.6- занжир таъсиридан одамни ажратиш олиш.

Бу ишларни бажаришдан олдин ток ўтказувчи ҳамма фаза симларини олдиндан махсус тайёрланган (бу мослама электр хавфи юқори бўлган ҳар бир иш жойида тайёр туриши керак) ўтказгич ёрдамида бирлаштирган қолда жароҳатланувчи ётган жойдан энг камида 10 м нарироқдан ерга улаб қўйиш

керак бўлади. Бу тадбир одамни токдан ажратиб олиш вақти чўзилиб қолган тақдирда унга таъсир этаётган токнинг кучини қирқади. Натижада жароҳатланиш даражасини енгиллатади. Ердан қўл етмайдиган даражада баландроқ жойда электр тармоғига уланиб қолган одамни, юқорида қайд қилинган тартиблардан бирини қўллаган қолда жароҳатланувчи остига ердан 0,5 - 1,0 м баландликда пишиқроқ матодан ёки кенгроқ тикилган устки кийимдан фойдаланиб 2 ёки ундан ортиқ одам ёрдамида чодир тутмоқ лозим. Бунинг оқибатида токдан ажратилган қушсиз одамни ерга қаттиқ тушиб жароҳатланишидан асраб қолинади.

ЕР СИЛКИНИШИ(ЗИЛЗИЛА) ВА

УНИНГ ОҚИБАТЛАРИ

Табиий офатлар ичида энг хавфлиси ва даҳшатлиси бу – ер силкиниши(зилзила)дир. Ер силкиниши – ер ости зарбаси ва ер устки қатламининг тебраниши бўлиб, табиий офатлар, технологик жараёнлар туфайли вужудга келади. Ер остки зарбасининг пайдо бўлиш ўчоғи, ернинг остки қатламида узок вақт йиғилиб қолган энергиянинг юзага отилиб чиқиш жараёни туфайли юзага келади. Ўчоқнинг ички қисми маркази гипоцентр дейилади, ернинг устки қисмидаги маркази эпицентр дейилади.

Ер силкиниши юзага келиш сабабларига кўра қуйидаги гуруҳларга бўлинади:

- Тектоник зилзилалар;
- Вулқон зилзилалари;
- Ағдарилиш, ўпирилиш зилзилалари;
- Техноген(инсоннинг муҳандислик фаолияти билан боғлиқ) зилзилалар.

Юқорида айтиб ўтилган ер силкиниши турлари ичида катта майдонга тарқаладигани ва энг кўп талофат келтирадигани тектоник ер силкинишидир. Маълумки, ҳар йили планетамизда 100 000 дан ортиқ ер силкинишларини сейсмик асбоблар(сейсмографлар) қайд этади. Булардан 100 таси вайрон

килувчи фожиа бўлиб, иморат ва иншоотларнинг бузилишига, ер юзасида ёриқларнинг пайдо бўлишига, минг-минглаб инсонлар ёстиғининг қуришига олиб келади.

Ер силкиниш ўчоғи гипоцентрнинг жойлашган чуқурлиги бўйича зилзилаларни: юзаки – 70 км.гача, ўрта – 70-300 км. ва чуқур – 300 км.дан пастда “мантия” катламида вужудга келадиган турларга ажратиш мумкин. Республикамизда кузатиладиган зилзилаларнинг ўчоғи асосан 70 км.гача чуқурликларда жойлашганлиги қайд этилган.

Кучли ер силкиниши оқибатида ернинг яхлитлиги, бутунлиги ўзгаради, иншоотлар, жихозлар бузилади, коммунал-энергетик қисмлар ишдан чиқиши, инсонлар ўлими юз беради. Ер қимирлашнинг асосий кўрсаткичлари қуйидагилардан иборат: ер силкиниш ўчоғининг чуқурлиги, силкиниш амплитудаси ва ер силкинишининг интенсив энергияси.

Ер силкинишининг кишилар рухий ҳолатига бўлган таъсири, иморат ва иншоотларнинг бузилиши, вайрон қилиниши, ер юзасида вужудга келган ўзгаришлар (ер сатҳида ёриқлар ва булоқларнинг пайдо бўлиши) инсонларга юз берган ҳодисаларнинг кучини баҳолашга ўргатган. Натижада нисбий баҳолаш шкаласи пайдо бўлган.

Ер силкинишининг оқибатларини тугатишда ишга яроқли ҳар бир киши иштирок этиши зарур ва қуйидаги ишлар бирламчи ҳисобланади:

- Ер тагида, бузилган ва ёнаётган уйда қолган одамларни қутқариш;
- Ишлаб чиқариш, коммунал-энергетик тизимларда содир бўладиган аварияларнинг олдини олиш ва тўғрилаш (чунки, булар инсон ҳаётига хавф солади);
- Бузилган уйларни, иншоотларни тиклаш;
- Талофат кўрганларга тиббий ёрдам кўрсатиш шаҳобчаларини тайёрлаш;
- Ер силкиниш ўчоғида сув таъминотини тиклаш.

Шунинг учун ҳар бир корхона раҳбари ер силкиниши оқибатларини камайтиришнинг асосий тадбирларини билиши зарур. Булар қуйидагилардан иборат:

- Худуднинг сейсмик харитаси, унда зилзила бўлиш эҳтимоли бор жойлар ва унинг кучи кўрсатилади;
- Зилзилага бардош берадиган уйлар ва саноат иншоотларини қуриш;
- Зилзила содир бўлиб қолган ҳолда аҳоли ўзини қандай тутиши ва хатти-ҳаракатлари ҳақида тушунтириш.

Зилзила рўй берганда аҳолининг ҳаракати

Зилзилага қадар бўлган ҳаракат:

- 1) Уйингиз ва ишхонангиздаги энг хавфсиз жойларни олдиндан аниқлаб қўйинг.
- 2) Энг зарур нарсаларингиз (ҳужжатлар, қимматли қоғозлар, дори қутиси) доимий тайёр ҳолда турсин.
- 3) Электр, газ ва сув тармоқлари беркитгичлари жойлашган ерни ҳамда улардан тезликда фойдаланишни ўрганиб олинг.
- 4) Осма буюмларни маҳкамлаб қўйинг.
- 5) Оғир буюмларни иложи борича полга яқинроқ жойлаштиринг.
- 6) Йўлаклар ва чиқиш йўллари буюмлар билан тўсиб қўйманг.
- 7) Зилзила тугагандан сўнг оила аъзолари йиғилиши лозим бўлган жойни аввалдан шартлашиб олинг.

Зилзила вақтидаги ҳаракат:

- 1) Биринчи қаватда бўлсангиз, тезда бинодан чиқинг, юқоридан кўчиб тушаётган нарсалардан эҳтиёт бўлинг.
- 2) Иккинчи ва ундан юқори қаватларда аввалдан белгилаб қўйилган хавфсиз жойларни эгалланг.
- 3) Дераза, айвон ва печкалардан узоқроқда бўлинг.
- 4) Лифт ва зиналардан фойдаланманг.
- 5) Кўчада қулаб тушиши мумкин бўлган бино, иншоот, баланд девор, электр тармоқларидан узоқроқ бўлишга ҳаракат қилинг.

6) Автомобилда кетаётган бўлсангиз, машинани тўхтатинг ва зилзила ўтиб кетмагунга қадар ташқарига чиқманг.

7) Қулаб тушиши мумкин бўлган кўприк, эстакада ва бошқа иншоотларга яқинлашманг.

Зилзиладан сўнгги ҳаракат:

1) Саросимага тушмай, хотиржамлик билан вазиятни баҳоланг, жабрланганлар ва болаларга ёрдам беришга киришинг.

2) Сув, газ, электр тармоқлари ҳолатини текширинг.

3) Гугурт ёқманг, очик оловдан фойдаланманг.

4) Электр симлари ва уларга тегиб турган буюмлардан эҳтиёт бўлинг.

5) Ёрдамингиз зарур бўлмаса, вайроналарга яқинлашманг.

6) Шикастланган биноларга киришда ва улар ичида эҳтиёт бўлиб ҳаракат қилинг.

7) Жабрланган ёки вайрона уюмлари остида қолган бўлсангиз, атрофдагиларнинг диққатини ўзингизга жалб қилишга ҳаракат қилинг. Асло тушқунликка тушманг, сизни албатта қутқариб олишади!

8) Телефон тармоқларини ортиқча банд қилманг.

9) Қайта силкинишларга тайёр туринг, берилаётган ахборотларни кузатиб боринг.

Юқорида айтиб ўтилганлардан хулоса қилинадиган бўлса, мазкур диплом лойиҳа ишини бажариш мобайнида Самарқанд шаҳрининг сейсмоактивлик харитасидан ҳамда бу жойларда бўлиб ўтган зилзилалар тўғрисидаги маълумотлардан фойдаланган ҳолда, ҳамда сув тошқинлари ҳисобга олган ҳолда иш олиб бориш лозим бўлади. Яъни диплом лойиҳасида “Самарқанд Давлат архитектура қурилиш институти “Архитектура” факультетининг ички ҳовлисини “Қишги боғ”ининг жойи, ернинг муҳандислик-геологик маълумотлари ва сейсмоактив ҳудудларда қурилиш ишларини олиб боришда давлат томонидан тасдиқланган қонун-қоидаларга, талабларга риоя қилинмоғи зарур.

ЁРИТИЛГАНЛИК ТУРЛАРИ ВА УЛАРГА ҚЎЙИЛАДИГАН ТАЛАБЛАР

Амалиётда иш жойларини ёритишда уч хил кўрнишдаги ёритилганликдан фойдаланилади, яъни улар табиий, сунъий ва аралашган холда бўлади.

Табиий ёритилганлик қуёшдан, ҳамда еру-самодан қайтаётган қуёш нуридан ҳосил бўлган ёруғлик маҳсулидир.

Табиий ёруғлик иссиқлик ва ёруғлик доимийларига эга бўлиб, улар қуёшдан келаётган иссиқлик учун 1317 Вт/м² га, ёруғлик учун эса 137000 лк.га тенгдир.

Табиий ёруғликнинг афзалликларн шундаки, унинг таркибида ута фойдали ультрабинафша ва инфракизил нурлари бор. Бу нурлар муҳитни соғломлаштиришга хизмат қилади, яъни микробларни улдириш хусусиятига эгадир. Табиий ёрутликдан уч хил мосламалар ёрдамида, яъни томдан фонар оркали, девордан дераза оркали ва аралаш холдаги тизимлардан фойдаланилади.

Табиий ёритилганлик тизимларига қўйиладиган талаблар қўйидагилардан иборат: ёруғлик миқдорини бинонинг вазифасига қараб танланиши, йуналтирилган ёки таркок холларда бўлишлигини таъминланиши; инсоляция ва ёруғлик меъёрларидан кам бўлмаслигини таъминланиши ва бошқалар.

Умуман ҳарқандай ёритилганликнинг асосий вазифаси иш жойларига қузиладиётган буюм ва заррачаларни улчамларини ҳисобга олган холда, қуриш аъзоларининг толиқмасдан ишлаши учун энг қулай шароитини яратишда хизмат қилишдир.

Шу нуктаи назардан сунъий ёруғлик табиийсига нисбатан бир оз қимматга тушса-да, иш жойларини ёритиш масаласида чегараланмаган имкониятларга эга.

Сунъий ёруғлик умумий, маҳаллий ва аралаш қуринишда бўлади. Умумий ёруғлик хонада бир текис ёритилганликни таъминлай олади.

Маҳаллий ёруглик эса факат асосий иш жойидаги ёритилганликни меъёр талаби даражасида таъминлаш учун хизмат килади. Кузга салбий таъсир этиб, бахтсиз ходисларга сабаб булмаслик учун, одатда маҳаллий ёритилганлик умумийси билан биргаликда кулланилади. Бу ҳолдаги ёритилганлик аралаш усул дейилади ва хоналардаги яркироклик тафовути - контрастни юмшатади ҳамда меъёр талабини тула кондиралади.

Ёритилганликни вазифасига қараб ишчи ва назорат турларидан ташқари яна фавқулодда зарур ҳолатларда хизмат киладиган икки тури ҳам мавжуд. Уларни авария ва эвакуация ёритилганликлари дейилади.

Ишчи ёритилганликни вазифаси иш бажарилаётган жойларда ишчиларнинг иш жараёнида меҳнат буюмлари ва қуролларни қўзғалади ҳеч қандай зуриқишсиз, енгил қўра олиш имконини, яратишдан иборатдир. Бунинг учун епик муҳитдаги иш жойини санитария талаблари ва хавфсизлик қоидаларига қатъий риоя қилган ҳолда яратилган СНиП II. 4-79 дан тўғри фойдаланиш қўйилган. ГОСТ 12.046-85 га асосан қўрилиш майдонларида умумий ишчи ёритилганлик 2 люксдан кам булмаслиги керак.

Ёритилганликни назорат тури, қўйилган жойидан 2 люксдан ошмаслиги керак ва у асосан тўн қўнғусида бирор муҳит ёки чегарани назорат қилиб туриш учун хизмат килади;

Ёритилганликни ишчи - авария турини захира сифатида фавқулодда асосий ишчи ёритилганлик электр тармоғи ишдан чиқиб қолганда ишни тўхтаб қолмаслигини таъминлаш учун ёки тармоқдаги таъмир ишларини тезда бажариш мақсади учун лойиҳалаштирилади. Бунда ёритилганлик миқдори асосий ишчи ёритилганликни 10 фоизини ташқил қилиши ёки қўзғалади 1 люксдан кам булмаслиги шартдир.

Эвакуация ёритилганлиги асосан одамлар қўнғуларда ва эвакуация йўллари бўйлаб ўнатилиш зарур. Унинг миқдори бино ичида 0.5 люксдан, ташқарида эса 0.2 люксдан кам булмаслиги керак.

Мисол тариқасида очик майдоннинг ёритилганлик даражасини ҳисоблаб чиқамиз

Очиқ майдонни сунъий ёритиш учун зарур ёриткичлар сонини аниқлаш талаб қилинади.

Ёр сатҳини ёритиш меъёри - $E = 2$ лк; Ёритиш майдони - 50×1300 м;

Прожектор тури - ПЭС–45; Лампа қуввати - $P_{\text{л}} = 1000$ Вт.

Қувватни аниқлаш усулидан, прожекторлар сонини қуйидаги формула ёрдамида топамиз:

$$N = \frac{P \cdot S}{P_{\text{л}}}$$

бу ерда: $\eta = \frac{A_i}{4} = \frac{2 \cdot 1,5}{4} = 0,75$ - битта лампанинг солиштирма қуввати;

S - ёритилаётган майдон, м^2 ;

$P_{\text{л}}$ - битта лампанинг қуввати, Вт;

K_z - захира коэффиценти, $1,5 \dots 1,7$;

E_n - ёритиш меъёри, 2 лк.

Зарур бўлган ёриткичлар сонини қуйидаги формуладан топамиз:

$$N = \frac{PS}{P_{\text{л}}} = \frac{0,75 \cdot 50 \times 1300}{1000} = 48,75$$

EKOLOGIYA

QISMI

Бинонинг шарқ тамонида аҳоли турар жойлари, шимол томонида маиший хизмат уйи ва савдо дўконлар, жануб томонида жамоат бинолар ва ғарб томонида туман солиқ идораси жойлашган.

Диплом лойихасининг мавзуси “Жомбой шаҳридаги 10-сон мусиқа ва санъат мактабининг дизайн ечими”

Экология қисми бўйича

Лойиха қилинаётган объект қурилишининг атроф-муҳитга таъсирини баҳолаш ва экологик таҳлил қилиш.

Лойиха қилинаётган объект қурилишининг атроф-муҳитга таъсирини баҳолашда қуйидагиларни ўрганиб чиқиш ва бажариш талаб этилади:

1. Лойиха қилинаётган объект қуриладиган жойнинг (худуднинг) физико-географик ва иқлим шароитлари;
2. Худуднинг экологик ҳолати ва мавжуд таъсир этувчи манбалар;
3. Худуднинг тупроғи, ер ости ва ер усти сув ресурслари;
4. Худуднинг ўсимлик ва ҳайвонот дунёси, аҳоли саломатлиги;
5. Худуднинг мавжуд табиий экологик ҳолатини баҳолаш;
6. Лойиха ечимини ва технологик ечимнинг алтернатив вариантларини экологик таҳлил қилиш;
7. Объект қурилишида атроф-муҳитга таъсир этувчи омилларни (кимёвий моддалар, шовкин, табиий ресурслардан фойдаланиш, каттик чиқиндилар) баҳолаш;
8. Қурилиш давомида ва ишлаб чиқаришда рўй бериши мумкин бўлган авария (ҳалокатли) ҳолатларни ва уларнинг атроф-муҳитга таъсирини таҳлил қилиш;
9. Объект қурилишининг атроф-муҳитга таъсир этиш характери;
10. Объект қурилишининг атроф-муҳитга салбий таъсирини камайтириш бўйича тадбирлар ва таклифлар;
11. Объект қурилишидан сўнг худуднинг экологик ҳолатини олдиндан таҳлил қилиш.

1. Лойиха килинаётган объект куриладиган жойнинг (худуднинг) физико-географик ва иклим шароитлари;

Лойиха килинаётган объект Самарқанд вилояти Булунғур туманида курилади.

Курилиш майдони куйидаги корхоналар билан чегараланган:

- шимолдан Савдо дўконлар ва маиший хизмат бинолар
- шаркдан аҳоли турар жойлари
- гарбдан туман солиқ идораси
- жанубдан жамоат бинолари

Объектдан маълум бир масофада туман солиқ инспекцияси жойлашган.

Иклим шароити кескин континентал.

2. Худуднинг экологик ҳолати ва мавжуд таъсир этувчи манбалар;

Лойиха килинаётган объект жойлашадиган район турар жой биноларига ихтисослаштирилган.

Курилиш майдонига якин корхоналар, савдо дўконлари, маиший хизмат уйлари.

Бу корхоналардан атроф-муҳитга куйидаги ифлосланувчи моддалар ва чиқиндилар ташланади: Ҳар хил чиқинди ва ахлатлар.

Ундан ташқари тупроқ эрозияси, кимёвий ва минерал уғитлар ишлатилиши таъсирида ернинг кимёвий ифлосланиш.

Автомобил транспортларидан куйидаги ёқилғи қолдиқ моддалари атмосферага ташланади: Тутун ва газлар.

3. Худуднинг тупроғи, ер ости ва ер усти сув ресурслари;

Курилиш жойининг тупроғи: ернинг энг 1,0-1,5 метри ўсимлик чиқиндиларидан иборат унумдор тупроқ, иккинчи пастки қатлами минераллар, учинчи қатлам шағалдан иборат.

Ер ости сувлари 30 метр чуқурликда жойлашган. Бетон ва курилиш конструкцияларига нисбатан агрессив эмас. Ер ости суви қорбанатли. Ер ости сувларини ичимлик учун ишлатиш мумкин.

4. Худуднинг ўсимлик ва ҳайвонот дунёси, аҳоли саломатлиги;

Ернинг юқорги унумдор тупрок қисми шўрланмаган, кучли еррозия кузатилмаган.

Кўп йиллик ўсимликлардан мевали дарахтлар, узум, маданий манзарали дарахтлар (арча, қайин, каштан) мажнунтол, терак, чинор, ғужум.

Курилиш райони аҳолиси саломатлиги соғлиқни сақлаш департаменти томонидан берилган маълумотларга мувофиқ республикада учрайдиган кўпчилик касалликлар бўйича фойз ҳисобида вилоят ва республикадаги кўрсаткичга нисбатан анча паст, лекин баъзи бир касалликлар бўйича юқори фойзга ега.

5. Худуднинг мавжуд табиий экологик ҳолатини баҳолаш;

Лойиха қилинаётган объект қуриладиган жойнинг физико-географик ва иқлим шароитлари, тупроғи, ер ости ва ер усти сув хавзалари, ўсимлик ва ҳайвонот дунёси, мавжуд таъсир этувчи омиллар ўрганиб чиқилди. Умуман олганда худуднинг мавжуд экологик ҳолати қониқарли, атроф-муҳитга салбий таъсир кўрсатадиган манбалар кузатилмади.

6. Лойиха ечимини ва технологик ечимнинг алтернатив вариантларини экологик таҳлил қилиш;

Диплом лойихаси бўйича мактаб қайта қурилиши режалаштирилган.

Объект бўйича батафсил маълумот Самарқанд вилояти Тайлоқ тумани Ибн Сино кўчасида жойлашган.

Объект пойдевори қуйма бетон, девори пишиқ ғишт,

том ёпма плита. Ер ишлари ҳажми: $W_{ер} = 29 м^3$,

монтаж ишлари $W_{мон} = 58 м^3$. Қурилишга ишлатиладиган материаллар, элементлар, техникалар маркаси. Қурилиш ишлаб чиқариш технологияси

Қурилиш жараёни қуйидаги асосий технологик босқичлардан ташкил топади:

Қурилиш майдони ўлчамларини аниқлаш:

-Пойдеворлар учун завор қазиш;

- Пойдеворлар тагидаги заминни мустакамлаш ва текислаш;
- Бино деворларини кўтариш ва томини ёпиш;
- Сувок ва пардоз ишларини олиб бориш;
- Электр,сув таъминоти ва табиий газ тармоқларини ўтказиш;
- Кучаларни текислаш ва ободонлаштириш.

Объектнинг умумий ер майдони $\Phi_{\text{ум}} = 86\text{м}^2$,шундан,кўкаламзорлаштирилган майдон $\Phi_{\text{зел.н}} = 78\text{м}^2$,курилиш эгаллаган майдон $\Phi_{\text{стр}} = 68\text{м}^2$,каттик копламали (асфалтланган,плитка ётқизилган ва х.к.)

Объект курилишида лойиха килинган ечимга алтернатив бўлган ечимни экологик нуқтаи назаридан такқослаш (масалан,бино томи ёпилмаси лойихада проф.настилдан курилиши кўзда тутилган.Алтернатив вариант-шифердан.Такқослаш:проф.настил-рухланган пўлат лист зангламайди,ранглаш талаб килинмайди,енгил,монтаж ишлари анча тезлашади.Алтернатив вариант-шифер транспартировка ва монтаж вақтида кўп синади.Энг асосийси шифер таркибида асбест моддаси бор.Асбест хавфлилик тоифаси бўйича биринчи тоифага мансуб,атроф-мухитга ва киши саломатлигига салбий таъсир кўрсатади).

7. Объект курилишида атроф-мухитга таъсир этувчи омилларни (кимёвий моддалар,шовкин,табиий ресурслардан фойдаланиш,каттик чиқиндилар) баҳолаш;

Объект курилишида атроф-мухитга таъсир этувчи асосий манбалар;

- фойдаланиладиган ернинг маълум бир қисмини курилишга олиш
- курилиш ер майдонининг табиий ҳолати бузилиши;
- ер қозиш ва монтаж ишларини бажаришда ҳамда керакли материалларни ташишда транспорт воситаларининг ишлаши натижасида атроф-мухитга кўп миқдорда зарарли ёкилги қолдиқ моддалари ва ҳар хил қанглар ташланади.Ундан ташқари транспорт воситалари шовкин манбаи.
- курилиш жараёнида сув ресурсларидан фойдаланиш,сув олиш ва оқава чиқариш;

-курилишда хар хил кимёвий лок-буёк моддалардан фойдаланиш натижасида атроф-мухитга кўп микдорда кимёвий зарарли моддалар ташланди;

-курилиш давомида кўп микдорда каттик чикиндиляр (гишт синиклари,бетон колдиклари,курилиш буюмлари колдилари) хосил бўлади.

а) фойдаланиладиган ер майдони

б) объект курилишига ва объектдан фойдаланишда олинadиган тоза сув микдорлари ва окава сувлар.

Таъмирланадиган бино томонидан сув таъминоти тармогидан олинadиган сув асосан ичимлик-хўжалик,ёнгинни ўчириш ва ховли ва кўчаларни санитар холатини талаб даражада саклаш,дарахт ва кўкаламзорларни сугориш максaдида фойдаланилади.

Фойдаланишга олинadиган сувнинг микдорлари бу ердаги истеъmolчилар сони ва санитар асбоблари билан жихозланиш даражасига боглик ва унинг меъёрий микдорлари 1.1-жадвалда кўрсатилган.

Ичимлик суви таъмирлаш даврида “туман сув тармоқлари” шаҳар сув таъминоти тармогидан келтирилади.Курилиш тугагач бу бино хам шу тармокка уланади.

Объект томонидан фойдаланишга олинadиган сувнинг кунлик микдорлари

1.1-жадвал

Тартиб раками	Истеъmolчи	Ўлчов бирлиги	Микдори	Сув меъёри, л/сут	Сув сарфи, М ³ /сут
1					
2					
3					
4					
5					
6					

	Жами				
7	Кўшимча сарф				
	Хаммаси				

Объектв курилишига сарфланадиган сув микдорини аниклаш

4.2.-жадвал

Ишнинг номи	Ўлчов бирлиги	Иш хажми	Солиштира сув меъёри, л	Сув микдори, М³
Бетон коришмасини тайёрлаш	М³	120	400	48
Бетонни 6 кун давомида сувлаш	М³	120	200	24
Заминни зичлаш учун тупрокни намлаш	М³	144	150	21.6
Гишт териш ва грунтровка учун сувок коришмасини тайёрлаш	М³	210	200	42
	М³	1920	100	192
Жами				327.6
Ичимлик сув сарфи, 8 киши x 200 кун x 15 л	киши x кун	1600	15	24
Ювиниш учун сув сарфи	киши x кун	1600	25	40
Жами				64
Сув сарфининг умумий сарфи:				391.6

Агар тармокни ишга тушириш созлаш жараёнда сувнинг бактериологик кўрсаткичлар давлат стандартлари талабларига жаваб

бермаса,консентрасияси 100 мг/л булган хлорли сув билан 2 соат мобайнида зарарсизлантирилади.

Канализация мавжудлиги ва окова сувни окизишга кўйиладиган талаблар.Мактабда пайдо бўладиган оковалар маиший характерда бўлиб уларнинг меёрий кунлик микдори __м³, йиллик микдори эса __м³ ни ташкил килади.Бу оковаларнинг таркиби асосан кум, муаллак моддалар ва органик бирикмаларидан ташкил топади. Уларнинг сифат кўрсаткичлари доимий эмас. Бу оковаларда кумлар – 2 г/киши-сут; муаллак моддалар 40 г/киши-сут, хлор бирикмаларидан 65 г/киши-сут ни ташкил илади.

Курилиш олиб бориладиган майдонда вақтинчалик канализация тизимлари урнатилади. Курилиш тугагач умумканализация тизими курилади ва оковалар тўлик биологик усулда тозаланади. У пайитгача бу оковалар бетон ўраларда тўпланадилар ва ўралар тўлиши билан уларни туман СЭС тамонидан ажратилган майдонга Элтиб окизилади.

в) транспорт (хом-ашиёларни ташиш,ер казиш, монтаж ишларини бажариш жараёнида)

Ер ишларини бажаришда $=P_1 \cdot P_2 \cdot P_3 \cdot P_4 \cdot G \cdot 10^6 / 3600, \text{г/с.}$

П₁-тўпрокнинг чангланиши фракцияси $P_1 = \underline{\hspace{2cm}}$

П₂-аэрозал курунишда ўтадиган чанг фраксияси $P_2 = \underline{\hspace{2cm}}$

П₃-иш зонасида шамол тезлигини хисобга олувчи коэффициент $P_3 = \underline{\hspace{2cm}}$

П₄-тўпрок намлигини хисобга олувчи коэффициент $P_4 = \underline{\hspace{2cm}}$

G-ер иши микдори, т/соат

г) пайвандлаш

Мазкур уй-жой курилиши ва ундан фойдаланишда атмосфера ховзасига зарарли моддалар деярли чикмайди. Бинолар пойдевори завурни казиб, инженерлик коммуникацияларини мантаж килиш ,тамирлаш пайтларида кам микдорда ноорганик чанг, пайвандлаш ускунасидан –пайвандлаш аэрозоли, жумладан MnO₂ . ва кранли автомобилар ис гази, азод оксиди, курум ва хакозалар хавога ажралиб чикиши мумкин, Бу моддаларнинг хавога чикиш

микдори шунчалик камки, уларнинг атроф-мухитга сальбий таъсири сезиларли бўлмайди. Курилиш жараёнида ажралиб чикадиган чангнинг микдорини камайтириш мақсадида тез-тез тупрок намлантирилиб турилади ва техник сув хисобидан амалга оширилади. Масалан биноларда табиий газ ёки сувни ўтказиш пайтида энг кўпи билан 5 кг АНО – 4 маркали электрон ишлатилади ва бунинг натижасида 33,6 г пайвандлаш аэрозоли, 3,9 г марганец оксиди ажралиб чиқади. Шу иш бажарилишига, 67,2 г/йил, 7,8 г/йил марганец оксиди ҳавога чиарилади. Бундан кўриниб турибдики, бу ер ҳавони ифлослантирувчи моддаларнинг микдори санитар – экологик талабларни қаноатлантиради.

д) курилиш хом ашё материалларини ортиш-тушириш ва саклаш давомида ажралиб чикадиган ифлослантирувчи моддалар.

-кум,шагал-неорганик чанг

-цемент-цемент чанги

-гишт-неорганик чанг

$$Q=L \times B \times g/100, \text{ т/йил}$$

Бу ерда L-хом ашё материалларининг чанг кўринишида йўқотилиши фоиз хисобида $L=0.21$

B-сакланаётган,ортиладиган-тушириладиган кум,шагал,цемент сарфи, т/йил

g-табиий йўқолиши меъёри, % $g=0.15$

е) каттик чиқиндилар микдорини аниқлаш,уларни тўплаш ва зарарсизлантириш.

-Коллеж фаолияти пайтида пайдо бўладиган каттик маиший чиқиндиларнинг умимий

йиллик меъёрий микдори _____ т ёки _____ м^3 ни ташкил қилади.Бу чиқиндилар инерт чиқиндилар бўлиб,мактабнинг шимолий шаркида атрофи 1.8 м

баландликдаги девор билан ўралган махсус ҳудуди бетонлаштирилган майдонда

жойлаштирилган ҳажми 1.2 м^3 бўлган махсус металл кутиларда тўпланади ва

шартнома асосида туман ободончилик корхонасига топширилади;

-курилиш пайтида пайдо бўладиган каттик чикиндилар микдори 6.1-жадвалда

келтирилган.

Курилиш даврида объектда пайдо бўладиган ишлаб чиқариш каттик чикиндилари

6.1-жадвал

Тартиб раками	Чикиндилар	Ўлчов бирлиги	Меъёр,%	Махс.ми.тн.	Чикинди
1	гишт синкилари	Тонна	0.5		
2	Бетон ва коришма	Тонна	13		
3	Ёоч чикиндилар	М ³	1.5		
4	Халталар	Тонна	0.6		
5	Металл чикиндилар	Тонна	0.5		
6	Пластмасса идишлар	Тонна	1		
	Жами				
	Маиший катти чикиндилар				
7	Ишчилар	Киши	0.083		
8	Супринди	Кг/м ² кун	0.021		
	Жами				
	хаммаси				

8. Курилиш давомида ва ишлаб чиқаришда рўй бериши мумкин бўлган авария (халокатли) ҳолатларни ва уларнинг атроф-муҳитга таъсирини таҳлил қилиш;

Объектнинг қурилиши ва фаолияти даврида содир бўлиши мумкин бўлган халокатли ҳолатлар. Масалан: кум, шагал ёки цемент ташиётган автотранспорт воситасида носозлик туфайли қурилиш материалининг тўқилиши ва бошқа шунга ўхшаш ҳолатлар.

Объектни тўсиқ билан ўраш

9. Объект қурилишининг атроф-муҳитга таъсир этиш характери;
Атмосферага салбий таъсир.

10. Объект қурилишининг атроф-муҳитга салбий таъсирини камайтириш бўйича тадбирлар ва тақлифлар;

Техника ҳавфсизлик қоидаларига риоя қилиш.

Мазкур мактаб қуриш, жиҳозлаш, ишга тушириш ва эксплуатация қилиш пайтида қуйидаги тадбирлар амалга оширилади:

- Ер ишлари олиб боришда энг замонавий казиш усули қўлланилади;
- Қурилиш жараёнида ажралиб чиқадиган чангнинг миқдорини камайтириш мақсадида тез-тез тупрок намлантирилиб турилади;
- Инженерлик коммуникация тармоклари хизмат кўрсатиш учун тиббий кўрикдан ўтган, кудукда техник хизмат кўрсатиш ва техника ҳавфсизлиги қоидаларига мукамал биладиган ва унга амал қиладиган ёши 18 дан кам бўлмаган ишчиларгагина рухсат берилади.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

1. “Табиатни муҳофаза қилиш тўғрисида”. Ўзбекистон Республикаси қонуни Тошкент, 1992-йил.
2. Ўзбекистон Республикасида Давлат экологик экспертизаси тўғрисида низом. Ўзбекистон Республикаси Табиат муҳофаза қилиш давлат қўмитаси. Тошкент, 2001-йил.
3. “Сув ва сувдан фойдаланиш тўғрисида” Ўзбекистон Республикаси қонуни. Тошкент, 1993-йил.
4. “Атмосфера ҳавосини муҳофаза қилиш тўғрисида” Ўзбекистон Республикаси қонуни. Тошкент, 1996-йил.
5. Қурилиш меъёрлари ва қоидалари. К М ва К 02.04.01.-97. Бино ва иншоотларнинг сув таъминоти ва канализацияси. Тошкент, 1997-йил.

XULOSA

Юртимизда таълимнинг узвийлиги ва узлуксизлигини таъминлаш юзасидан олиб борилаётган улкан ишлар ўзининг ижобий натижаларини бераяпти. Ўзбекистонлик ўқувчи-ёшлар минтақа ва жаҳон миқёсида ўтказилаётган нуфузли фан олимпиадалари, кўрик-танловларда энг юқори натижаларга эришаётгани "Ўзбекистон — келажаги буюк давлат" деган эзгу ғоя ҳаётда ўзининг ёрқин рўёбини топаётганидан далолатдир. 1995 — 2013 йиллар давомида ўқувчиларимиз кимё, биология, физика, математика, информатика ва хорижий тил фанларидан нуфузли танловларда қатнашиб, Ўзбекистон фарзандлари ҳеч қачон ҳеч кимдан кам бўлмагани ва бўлмаслигини дунёга намоён қилишди. Айниқса, 2008 йил май ойида Тошкент шаҳрида кимё фани бўйича ўтказилган Менделеев номидаги 42-Халқаро олимпиадада иштирок этган 15 нафар ўзбекистонлик ўғил-қиз энг юқори натижа кўрсатиб, 10 та медаль — биттадан олтин ва кумуш ҳамда 8 та бронза медалини қўлга киритгани барчамизга чексиз ғурур бағишлади.

Шунингдек, 2009 йил июль ойида Германиянинг Бремен шаҳрида математика фанидан ўтказилган 50-Халқаро олимпиадада ўқувчиларимиз битта олтин, 2 та бронза медали билан тақдирланишди. 2010 йилнинг июль ойида математика фанидан ўтказилган 51-Халқаро олимпиадада ҳам 96 та мамлакатдан келган 517 нафар ўқувчи қаторида иштирок этган 6 нафар ўғил-қизимиз 4 та кумуш ва битта бронза медалини қўлга киритди.

Юртбошимизнинг "Ўзбекистонда яшаётган барча-барча ёшлар — менинг болаларим, менинг фарзандларим!" деган сўзлари, эртадан эгаларининг муносиб келажагини таъминлаш борасидаги беқиёс ғамхўрликлари ҳар жабҳада уз ифодасини топмоқда. Мана бу рақамларга эътибор беринг: бугунги кунда мамлакатимизда 9779 та умумтаълим мактаби фаолият юритмоқца. Мактаб таълимини ривожлантириш Давлат умуммиллий дастурини амалга ошириш доирасида 2004 — 2009 йилларда республика бўйича 8500 дан зиёд мактаб қурилди ва капитал таъмирланди. Уларнинг аксарияти қишлоқларда жойлашган. Ушбу мақсадлар учун 1,4 триллион сўм сарфланди. Гарчи Давлат дастурида қамраб олинган вазифалар адо этилган

бўлсада, мамлакатимизда умумтаълим мактаблари куриш ва уларнинг моддий-техник базасини мустаҳкамлаш билан боғлиқ ишлар изчил давом эттирилмоқда. Масалан, ўтган йили энг замонавий ўқув ва лаборатория жиҳозлари билан таъминланган, 46 минг 300 дан ортиқ ўқувчига мўлжалланган 166 та янги мактаб барпо этилди ва реконструкция қилинди, 151 та мактаб капитал таъмирланди. Мамлакатимиздаги 852 та мактабда замонавий ўқув-компьютер синфлари ташкил этилди. Ҳозирги вақтда 9 минг 400 дан зиёд умумтаълим мактаби ёки жами мактабларнинг 96 фоизи Ziyonet электрон-ахборот тармоғига уланган. Умумтаълим мактабларимизда таълимни етти тилда олиб бориш йўлга қўйилгани ҳам эътиборга лойиқ.

Дизайн ва безашда ранглар ва турларнинг ишлатилиши, қопламалардан фойдаланиш, уларнинг уйғунлашувида тизимнинг йўқлиги, меъёрий жиҳатдан асосланмаганлиги яққол кўзга ташланиб турибди. Юқорида барча изох ва таъкидларни умумлаштириб дизайн инсон меҳнат ва турмуш фаолиятининг гўзаллиги, нафосати, шакли ва мазмундаги ҳамоҳанглигидир, - деб айтсак мақсадга мувофиқ бўлади. Аҳоли яшайдиган жойларда турмуш шароитларини, хизмат кўрсатишни яхшилаш, дам олиш кўнгил очар ҳамда савдо муассасаларидаги шарт-шароитларни мукамаллаштириш бугунги куннинг муҳим ижтимоий сиёсий вазифаси сифатида умумхалқ, умумжамият ишишга айланмоқда. Инсон яшайдиган муҳит унинг шарт-шароитлари интерьер санъати билан бевосита боғлиқ бўлиб, илғор эстетик, техник ва функционал талабларга жавоб бериши лозим. Интерьер санъатининг муҳим аҳамияти унинг жамият ижтимоий тараққиётидаги ролини ҳисобга олган ҳолда ҳар бир интерьер, айти пайтда санъат асари, маданий ва бошқа ижтимоий вазифаларни бажарувчи объект сифатида мураккаб тизим эканлигини унутишимиз мумкин эмас. Интерьерларнинг бебаҳо қиймати улардаги қоявий-бадий мазмун ва функционал йўналиш, шунингдек профессионал меъморий маҳорат даражаси билан белгиланади.

Демак, инсон ҳаётида ўзига хос тарзда мавжуд бўлганлигига эътироз бўлиши мумкин эмас. Асрлар мобайнида мустаҳкамлиги ва ҳайратланарли

даражадаги нафосати, гўзаллиги билан оламни маҳлиё этиб келаётган тарихий обидаларимизда юксак тарздаги дизайнер талаблари қўлланганлигига киши шубҳа қилади. Аجدодларимиз бунёд қилган Шоҳи-Зинда, регистон, Биби хоним, Гўри Амир ва бошқа ўнлаб ноёб архитектура-қурилиш ёдгорликларидаги нодир жило ва безаклар ҳамоҳанглиги фикримиз исботидир.

Табиийки, инсонлар феъл атворининг турли туманлиги улардаги дид, орзу-истаклар ранг-баранглигини тақозо қилади. Демак, дизайн ана шу индивидуал талаблар асосида шаклланади. Дизайнер меҳнати шунинг учун ҳам хилма-хил бўлади. Кимгадир ёқмаган оҳанг ўзга бир одамнинг жону дилида ўрнашган бўлиши мумкин. Ана шундан келиб чиқиб, халқимиз Лайлини Мажнун кўзи билан кўр – дейди. Шундай қилиб, дизайн деганда, кўз олдимизга нафосат олами, гўзаллик дунёси, кўрганда кўз, тингласа қалб ором оладиган эстетик ахлоқий муҳит намоён бўлади. “Гўзаллик оламни қутқаради” дейилган афоризм жуда катта мантиқий асосга эга.

“Санъатсиз турмуш ваҳшийликдир”, “Онани отанга бепардоз кўрсатма” қабилдаги ҳикмат ва мақоллар ҳам фикримиз тасдиғи бўла олади. Уларнинг барчасида гўзалликка даъват муштарак.

Умуман олганда, дизайн кириб бормаган, яъни мавжуд бўлмаган соҳанинг ўзи йўқ. Шунга кўра, ҳар қайси йўналишдаги дизайн турларини умумий ҳолда таъкидлаб, дастлаб уни кенг маънода иккига ажратиш мумкин: меҳнат фаолияти билан боғлиқ бўлган дизайн ва дам олишга доир дизайн йўналишлари.

Биз шуғулланаётган махсус дизайн тармоғи-бино ва иншоотлар, яшаш ва дам олиш масканларининг замонавий талаблар асосида бўлишини таъминлаш билан бир қаторда уларда миллий анъана ва ҳис-туйғуларимиз ифода этилган, фахру ифтихор уйғотадиган жиҳатларни ҳам унутмаслигимиз лозим.

ADABIYOTLAR RO'YXATI


И.А.Каримов. Асосий вазифамиз – Ватанимиз тараққиёти ва халқимиз фаровонлигини янада юксалтиришдир. – Тошкент: «Ўзбекистон», 2010. – 80 б.

Каримов И.А. «Ўзбекистон XXI асрга интиломда». - Т., «Ўзбекистон»,


1. Пономарева Е. С. Цвет в интерьере. Минск. «Вышэйшая школа» 1984.
2. Фримет Г. «Человек, цвет, пространство» М. 1973.
3. Гусев Н. М. Световая архитектура. Москва. 1978.
4. Гидион З. «Пространство – время-архитектура» Москва. 1978.
5. Кириллов Л.И. Покраский И.А. Рожин И.В. Композиция в современной архитектуре. Москва. Строиздать. 1973.
6. Швидковский О.А. Гармония взаимодействия. Архитектура монументальное искусство. Москва. Строиздат. 1984.
7. Безмоздин Л.Н. В мире дизайна. – Ташкент: Фан, 1990.
8. Устинов А.Г. Цвет в производственной среде. – М., 1967. – В надзаг.: ВНИИТЭ.
9. Убайдуллаев Х.М., Абдурахманов Ю.И., Сетмаматов М.Б.
«Жамоат бинолари типологияси» Ташкент, 2002 й.
10. КМК 2.08.01-94 «Жамоат бинолари»













ЖОМБОЙ ШАҲРИДАГИ 10-СОН МУСИҚА ВА САЊЪАТ МАКТАБИНИНГ ДИЗАЙН ЕЧИМИ





Машгулот хонасининг интерьер ечилими





Машгулот хонасининг интерьер ечилими




Машгулот хонасининг интерьер ечилими




Машгулот хонасининг интерьер ечилими

Фойвонинг интерьер ечилими



Бош режа





Муслид ва санъат мактабининг фасад ечилими



Бинонинг ҳозирги куруниши



2-қavat режаси



1-қavat режаси





Реклама курулмаси Визитка ва буқлет Пиктограмма

Дизайнер: 401-Дастлаб гр. Норуллоева Дилрабо; Релиз: Азамат Рахмонов

